Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 274 (13.230).
23 НОЯБРЬ 1965 йил СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

МАЖБУРИЯТГА ҚЎШИМЧА

САМАРҚАНД («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ленин орденли Самарқанд области пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятини ҳам ошириб бажарди. Шу кунгача область колхозлари ва совхозларининг тайёрлов пунктларига топширган пахтаси 373,5 минг тоннадан ошиб кетди.

Областнинг бир қатор илғор район ва хўжаликлари пахта етиштиришда мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритдилар. Нарпай райони планга қўшимча 10 минг 700 тоннадан кўп, Қаттақўрғон райони 5 минг тонна, Хатирчи райони қарийб 4 минг тонна, Пайариқ райони 3 минг тоннадан зиёдроқ пахта топширдилар.

Л. ЭРГАШЕВ.

ШУДГОР ҚИЛИНГ

1965 забардаст пахтачилик йили якунланмоқда. Далалардан охирги кўраклар териб олинмоқда. Пахтачиликдаги бу йилги улкан ғалабалар келгуси йил мўл ҳосили учун курашга ҳаммани янада зўр ғайрат ва умид билан руҳлантирмоқда.

Совет пахтачилиги равон изга тушиб олди. Ижодкор деҳқонларимиз прогрессив агротехникани изчиллик билан қўлланиш туфайли мавсумий ишларни олдинга сурмоқдалар. Эндиликда табиатга муте бўлиш, ундан эҳсон кутиш пахтакорларимизга ётдир. Республикамиз «оқ олтин» соҳиблари бу йилги иш тажрибаларида оғир об-ҳаво шароитини мардонавор меҳнат ва жасорат билан енга олишларини рўй-рост намойиш қилдилар.

Ватан хазинасига 3 миллион 850 минг тоннага яқин пахта топширилган ҳозирги даврда пахтакорларимиз охирги чигитларни йиғиб-териб олар эканлар, келгуси йил мўл ҳосилига замин тайёрлашни ўйламоқдалар. Ҳозирги вазият асл деҳқондан, миришкор пахтакордан шуни талаб қилади. Илғор хўжаликлар ҳосил йиғим-терими билан бирга кузги дала ишларини, ерни обитобида шудгорлаб олишни бир-бирига боғлаб ўтказмоқдалар. Тошкент областининг колхоз ва совхозлари шудгор қилиниши лозим бўлган майдонларнинг ундан бир қисмидан кўпроғини юқори сифатли ҳайдаб кўйдилар. Сирдарё, Хоразм областларида ҳам экиндан бўшаган ерларни ҳайдаш, пахта майдонларини ғўзапоядан тозалаш ишлари анча дуруст ўтказилмоқда.

Куз ҳеч қачон бу йилгидек шудгорлашга кулай келган эмас. Вақти-вақти билан ёққан ёмғир ерни жуда созлаб кўпчитиб турибди. Плуг ағдариб кетган тупроқ бўрсиллайди. Шу кунларда қилинган шудгорнинг ҳосияти ва фойдасини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган нақл айни шу кунлардаги шудгорнинг хусусиятига қараб айтилгандир.

Республикадаги барча колхоз ва совхозларда ҳам шудгор қилинадиган майдон етарли бор. Ҳосилдан бўшаган пахта майдонлари ҳам кўп. Йиғим-теримнинг эрта муддатларда ўтказилганлиги, ишчи кучлари ва техникани кузги шудгорлашга сафарбар этиш учун барча имкониятлар борлиги ер ҳайдашнинг кечиктирилишига ҳеч қандай сабаб, баҳона йўқлигини кўрсатиб турибди. Лекин афсуски, анчагина жойда бу йилги вазият ва имкониятга яраша иш тутилмаётир, кузги шудгор республикамизда сунъий равишда кечиктирилмоқдани, бу, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратишга ёмон таъсир қилиши мумкин. Кўпчилик область ва районларда кузги шудгорлаш ниҳоятда суст олиб борилмоқда. Ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида кузги шудгорлаш плани атиги 1,5 процент бажарилганлигига нима деб баҳо бериш мумкин? Фарғона, Бухоро, Сурхондарё областларида бу ишга жуда эътиборсизлик билан қаралмоқда. Қашқадарё областининг колхоз ва совхозлари кейинги кунларгача ҳам кузги шудгорлашга киришганлари йўқ. Ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида ҳам кузги шудгорлашда жиддий ўзгариш бўлмади. Сурхондарё, Фарғона, Бухоро областларидаги кўпгина хўжаликлар ҳали ер ҳайдашга киришган эмаслар.

Пахтачилик тарихида ҳосил бу йилгидек барвақт йиғиштириб олинганини, ҳеч бир йили бунчалик кўп ҳосил етиштирилганини тарих билмайди. Шунчалик катта ютуқ қа аввало деҳқончилик маданиятини юксак даражага кўтариш, агротехника тадбирларини ўз вақтида қўлланиш асосий омил бўлган бўлса, шу билан бирга ўтган йил кузги шудгорлашнинг юқори сифатли, барвақт ўтказилганлиги ҳам кўпгина колхоз ва совхозларда ҳосилнинг кўтарилишига ва унинг барвақт етилишига катта сабаб бўлди. Буни сира эсдан чиқармаслик, кузги шудгор мўл ҳосилнинг гарови эканлигини ҳар бир пахтакор, ҳар бир механизатор доим эсда тутиши лозим.

Вақт ўтиб бормоқда. Куздан саноқли кунлар қолди. Эрта-эндин қиш бошланиб, ер музлаши мумкин. Бунда шудгорлаш қийинлашади, бир иш икки бўлади. Тупроқ музлагандан кейин ҳайдалса, шудгорнинг қиммати пасаяди. Шунинг учун колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислар, маҳаллий партия, совет ташкилотлари шу кунларда барча диққатни ҳосил йиғим-терими билан бирга кузги шудгорлашни кучайтириб юборишга қаратмоқлари, дала ишларини ташкил этишда оперативлик қилишлари лозим.

Кузги шудгорлашда қўлни тутадиган нарса далада қолган ҳосилни териб олиб, ғўзапояни пешма-пеш олиш, ерни трактор тайёрлашдир. Бу ишларни тез ўтказиш учун эса ҳамма хўжаликларда конвейер усулини жорий этиш жуда муҳимдир. Ишни шундай уюштириш керакки, бир далада ҳам ҳосил йиғиб олинсин, ҳам ғўзапоя юлинсин, ҳам трактор ер ҳайдасин. Бунинг учун куч ва техникани тўғри тақсимлаш, уларнинг график асосида ишлашини таъминлаш зарур.

Кузги шудгорлашда пала-партишликка мутлақо йўл қўймаслик лозим. Бу йилги шароитда ерни ўғитламасдан ҳайдаш—ҳосил резервини қўлдан бой бериш бўлади. Хўжаликларнинг агрономлари шудгорлаш устидан қаттиқ назорат олиб боришлари, бир парча ҳам ернинг ўғитланмасдан ҳайдалишига асло йўл қўймасликлари керак. Айниқса шудгорлаш олдидан ерга маҳаллий ўғитни кўпроқ сепиб олишга, шудгорлаш қатламининг нормадагидек чуқур бўлишига эътиборни кучайтириш зарур. Сифатсиз ҳайдалган ерларни қайтадан ҳайдатиш, ортиқча сарф бўлган харажатни тегишли кишилар ҳисобига ёзишни қаттиқ тартиб қилиб кўйиш керак.

КПССнинг навбатдаги XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа республикамиз деҳқонлари, пахтакорлари қалбини тобора тўлқинлантирмоқда. Съезднинг муносиб совғалар билан кутиб олиш эндиликда келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш учун курашмоқдан иборатдир. Эрта-индин республикамизда пахта байрами бўлади. Бу байрам ўзбек пахтакорининг катта ғалабаси тантанасига айланади. Пахта байрами ўтаётган кунларда деҳқонларимиз бу йилги катта ютуқларини эсга олар эканлар, келгуси йил мўл ҳосили учун кураш йўлларини бир зум бўлсин эсдан чиқармасликлари керак.

Навбат шудгорга. Барча куч ва техникани ерларни сифатли ҳайдашга сафарбар этайлик, кузги шудгорлашни ўз вақтида юқори сифатли ўтказиб, пахтачилигимизнинг келгуси йилги катта ғалабасига мустаҳкам замин яратайлик!

Тошкент пластмасса буюмлари заводи коллективи етти йиллик планни ортиғи билан бажарди. Йил охиригача яна 1 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун кураш авж олиб кетди. Корхона етти йиллик мобайнида пластмассалардан қарийб 100 хил буюм ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Суратда: корхонанинг илғор ишчиларидан Уткир Юсуповни кўриб турибсиз. У смена нормаларини бир ярим ҳисса ортиғи билан бажармоқда.

А. Тўраев фотоси.

10.000 ТОННА УЧУН

Ленинград районидаги Ҳамза Ҳакимзода номли совхоз пахтакорлари катта ғалабага эришдилар. Давлатга пахта сотиш плани муваффақиятли адо этилди. Тайёрлов пунктларига 9605 тонна «оқ олтин» етказиб берилди.

Совхоз меҳнаткашлари партиямизнинг XXIII съезди шарафига пахтанинг яппи ҳосилини 10.000 тоннага етказиш ҳақида сўз бердилар. Айни вақтда улар келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси еттинчи чақириқ Олий Советининг еттинчи сессияси 1965 йил 24 декабрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Олий Советнинг еттинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 йилги давлат плани тўғрисида.
2. Ўзбекистон ССРнинг 1966 йилги давлат бюджети тўғрисида.
3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1965 йил 22 ноябрь,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, республика матбуотини ривожлантириш ишлари учун ва тугилганига 50 йил тўлиши муносабати билан «Правда Востока» газетасининг редактори Александр Дмитриевич **Ивахненко** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ГАРМСЕЛГА ДАВО, ЮРТГА АРО

ГУЛИСТОН. Чинор, шумтол, гледичия сингари гармсел «кушандалари» Мирзачўлни ўзлаштираётганлар сафидан жой олди. Ўзининг салобатли қомати билан улар собиқ чўлда илгари танҳо ҳукмронлик қилиб келган шамолларнинг йўлини тўсади. Дарахтлар олтин яп-роқларини тўккан шу кунларда янги иҳота дарахтзорлари ва боғлар барпо этиш соҳасида каттагина ишлар авж олдириб юборилди. Куз билан баҳорнинг ўзидагина бултургидан икки баравар кўп—етти миллион тупдан ортиқ дарахт кўчати ўтказилади.

Дарахтларнинг бошқа бир ҳосиятини назарда тутиб ҳам қўриқ ерлардаги посёлкаларга кўчатлар кўплаб ўтказилмоқда. Бу ерда мева дарахтлари, айниқса нок дарахтлари шўрхок ерларда жуда серҳосил бўлади. Йил—ўн икки ой яшил либосини ташламайдиган ҳимолай кедри, ўрик, арча, шарқ арчаси сингари дарахтлар Мирзачўлда биринчи марта кўкартирилмоқда. Қримдаги никитский ботаника боғидан келтирилган бу игна баргли дарахт кўчатлари чўлдаги шаҳарчаларнинг кўчалари ва паркларига ўтказилмоқда.

Қўриқ ерлардаги ҳамма совхозларда янги гулхоналар ҳам барпо этилади.

САМОЛЁТЛАРДА ТАШИЛМОҚДА

МУЙНОҚ. Тошкент денгиз бўйидаги шаҳар эмас. У билан Орол денгизининг соҳили ўртасидаги масофа қарийб минг километр келади. Лекин кузги мавсумда, Орол денгизидан овланган балиқ эртасигаёқ пойтахт магазинларига келиб тушмоқда. Махсус ускуналанган «Ил-18» самолётлари уни Мўйноқ комбинатидан Нукус аэропорти орқали Тошкентга мунтазам етказиб бермоқда.

Йил охиригача Тошкентга самолётларда минг тоннага яқин янги музлатилган зогора, лаққа ва бошқа ҳар хил балиқ келтирилади.

КУБА ОКЕАНОГРАФЛАРИГА

Тошкентдаги гидрометеорология приборлари заводи Куба океанографларининг сув тубидан лой оладиган приборлар ясаб бериш ҳақидаги заказини бажарди. Ўзбекистон пойтахтининг приборсозлари озодлик оролига сув тубини кавлайдиган машиналарни, гидрометрик лебедкаларни, денгиз блюк-счётчикларини—хуллас, ўз маҳсулотларининг деярли ҳамма хилларини жўнатмоқдалар. Корхона кубалик дўстларнинг барча заказларини муддатидан олдин бажармоқда.

Тошкентдаги завод ўз маҳсулотини жаҳондаги йигирма беш мамлакатга жўнатмоқда. Ўзбекистонда яратилган приборларни Жазоир, Бирлашган Араб Республикаси, Индонезия, Чехословакия, Югославия ва бошқа давлатлар сотиб олмоқда. Бу йил корхонанинг хорижий мижозлари рўйхатида янги харидорлар пайдо бўлди. Бирма, Конго (Браззавиль) ва Ямандан метеорология хизмати учун зарур приборларни ясаб бериш ҳақида заказлар олинди.

«АРЧА»НИНГ БЕЗАГИ КАМАЙДИ

ГАЗЛИ. Мамлакатнинг етакчи газ кони бўлган Газлида қудуққа хизмат кўрсатувчи операторлар учун жуда баланд жойга ўрнатилган махсус бесўнақай металл саҳнларга ҳожат қолмади. Эндиликда операторлар қудуқ ишини бевосита ердан туриб бошқара оладилар.

Бу — қудуқни қувур билан уловчи «Арча» номли аппаратлар конструкциясини соддалаштириш натижасидир. Энди газли нефть конлари бошқармасининг бош инженери С. Авагимяннинг таклифи билан «Арча»ларга тўққизта қимматбаҳо лўкидон ўрнатиш ўрнига, атиги учта лўкидон ўрнатилмоқда. Бу лўкидонлар газнинг юксак босимини қайтариб туриш учун хизмат қилади.

Авагимяннинг таклифи конга неча ўн минг сўм пулни тежаб қолиш имконини беради.

□ □

УЛКАН ПОМИДОРЛАР

Пойтахт областининг резаворлари «Юсупов» номли помидорни ишлаб чиқариш синовидан ўтказиш соҳасида олиб борилган ишларга якун ясадилар. Бу навни сабзавот-полиз экинлари ва картошка илмий-тадқиқот институтининг ходими, селекциячи Карим Юсупов яратган. «Юсупов» навининг айрим мевалари 900 граммгача тош босади, ўзи гўштдор ва уруғи кам бўлади. Бу нав консерва саноати учун ҳам қимматлидир.

Улкан помидорлар мўл ҳосил бермоқда. Масалан, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг Маҳкам Исаев бригадаси «Юсупов» навидан қарийб 700 центнер, яъни оддий навларга нисбатан уч ҳисса кўп ҳосил олди. Оржоникидзе районидаги кўпгина хўжаликлар, «Қорасув» совхозининг деҳқонлари ва бошқа хўжаликлар шундай нав экилган ҳар гектардан 500-600 центнер помидор ўзди.

«Юсупов» помидори Ўзбекистон ташқарисида, чунончи Таллин, Владивосток, Ботуми, Новосибирск ва мамлакатнинг бошқа кўп шаҳарларида ҳам яхши ўрнашиб қолди ва юқори ҳосил берди.

Келгуси йили областда «Юсупов» навли помидор тагин ҳам кўпроқ экилади.

СУЗ — МАШЪАЛЛАРИМИЗГА

УЧ ОМИЛ

1360 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36,6 центнердан хирмон кўтардик, ҳосилдорлик гектар бошига бир йилда 8 центнер ошди. 1500 тонна «оқ олтин» «зангори кема»лар билан йиғиб олинди. Бу — йиллик планнинг қарийб 40 процентини ташкил этади.

Кўриб турибсизки, йил яхши якунланяпти. Роппа-роса 5000 тонна — бултургидан 1.000 тонна кўп пахта топширибмиз. Планимиз 120 процентдан ошиб кетди, шунинг 108 процентини биринчи сортга сотдик. Коммунист Султон Худойберганов бошлиқ бригада 47 центнердан, Кўпал Кутлиев бошлиқ бригада 46 центнердан ҳосил олдилар. Пешқадамлар эгаллаган марра — келгусида ҳамма кўзлайдиган маррадир.

Эсимда бор: бир вақтлар 25 центнер ҳақида гап юритган эдик. 1961 йилда 24 центнердан ҳосил олдик, 1962 йилда 25 центнердан довонни ошган мардларданмиз, деб фахрланганмиз. Бултур 30 центнер учун кураш шиори ташланди. Лекин, кўрсаткич 28,8 центнерда қолиб, ҳосил мўлжалдагидан кам бўлгани учун дил қониқмади. Энди эса яхши натижага эришдик. 36 центнердан оширган шоввозлар қирқ ҳақида сўзласа, бемалол ишонаверинг.

Қандай қилиб пахтадан мўл ҳосил олялпсиз? Ёки одамларингиз деҳқончилик илмини сув қилиб ичиб юборишганми? Ёхуд ерингизда бирор ҳосият борми? Бизга шундай савол беришлари мумкин.

Аввало шуни айтайки, одамларимиз чиндан ҳам меҳнатсевар, пахтапарвар. Улар яхши ишлашади, илм-фанга, тажрибага суянишади. Ҳосилдорлик ошгани тўғрисида гапирар эканмиз, давлатнинг катта ёрдами, пахтакорларга оталарча ғамхўрлиги, КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларининг тарихий аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз керак. Бунинг учун партия ва ҳукуматдан беҳад миннатдормиз.

Илғорларга сўз берганларида, улардан бирон янги гап, фойдали маслаҳат эшитишни истайдилар. Гарчи бошқалар айтган бўлсалар ҳам, мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шартлари ҳақида ўз тажрибамиздан хикоя қилиб берсам, маъқулини қабул киларсиз. Хато кетсам, узр.

Фикримча, мўл ҳосил етиштиришда уч ҳал этувчи шартни пахтачилик рисоласига битиб ўйса арзийди. Биринчиси — тупроқ шўрини яхши ювиб, ерни чуқур ҳайдаб, эрта экиш. Иккинчиси — минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланиш. Ниҳоят, учинчи асосий шарт — комплекс механизацияни жорий этиш. Бу уч омилнинг ҳар бири қатор агротехника тадбирлари комплексини ўз ичига олади.

Бизда пахта майдонининг анча қисми шўрхок ерлар. Тупроқнинг шўрини яхши ювмасдан ҳосилдорликни ошириб бўлмайди. Бунинг учун сув етарли бўлиши, айни вақтда ер ости сувлари пасайтирилиши, карталар яхлитлаштирилиши ва текислиниши лозим. Биз кейинги йилларда коллектор ва зовурлар қазиб, шўр сувни катта кўл магистрал коллекторига оқиза бошладик. Аччиқкўл ва Мезонкўл каби кўлларда ҳам зах сув қамайтирилди. 900 гектар майдонни қудратли механизмлар воситасида планировка қилдик, 5 гектардан 10 гектаргача йирик карталар ҳосил қилинди. Текис, яхлит карталарда шўр яхши ювилади, механизациядан кенг фойдаланиш имконияти туғилади. Ҳозир ҳосилни бир чеккадан тўла териб олиб, далани ғўзапоядан тозалаш ва текислашни бошлаб юбордик. Далаларни яхлитлаштириш ва чел кўтариш қизитиляпти. 4 скрепер, 4 бульдозер, чел кўтариш машиналари бетўхтаб ишлатилмоқда. Д. Собиров, Р. Ўринов, М. Эрназаров, М. Давлатов каби ўнлаб механизаторлар дала ишларида ибрат кўрсатмоқдалар.

Ирригация тармоқларини барвақт тозалаш — шўр ювишни ўз вақтида ўтказиш гарови. Илдимзон, Бирлашган, Саёт каналлари ва бошқа ички сув тармоқлари тозаланаётир, коллектор ва зовурлар чуқурлаштирилмоқда.

Юқорида айтилганидек, маҳаллий ва минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш —юқори ҳосил етиштиришнинг муҳим омилидир. Бизда йиллик азот нормасининг 30-40 процентини баҳорда гўнгга аралаштириб солиш ижобий самара берди. Ҳайдаш олдидан маҳаллий ўғит ва фосфорни кўпроқ солишнинг фойдаси катта. Бу йил ҳар гектарига солинган маҳаллий ўғит 10-14 тоннадан тўғри келди. Куруқ азотга зўр бериш маъқул эмас. Азот кўп солинса, тупроқ қотади. Гўнг ўзида нам ва иссиқликни сақлайди. Биз келгуси йил ҳар гектарига 15 тонна ҳисобидан гўнг тайёрлашга қарор қилиб, ҳозир бу ишни қизитиб юбордик. 20 та автомашина ва 70 та прицепли трактор-нинг асосий қисми гўнг тўплаш ва далага чиқаришга ажратилади.

Биз ҳамма ишни пахтачиликни комплекс механизациялашни кўзлаб амалга оширмоқдамиз. Ҳозир 23 та терим машинаси, 43 та чопиқ ва 17 та ҳайдов трактори бор. Ҳар бир машина ва трактор аввалгаб сақланади. Бу йил янги механизмлар сотиб олиш мўлжалланмоқда. Карталарни яхлитлаштириш соҳасида катта иш бошланди. Султон Худойберганов бошлиқ бригада комплекс механизациялаш ташаббусини бошлаб берди. Колхозимизда комплекс механизациялашган бригадалар кўпаяди.

Шундай қилиб, чигитни эрта экиш учун тараддудни қизитиб юбордик. Келгуси йил 40 центнерлик маррани эгаллашга бел боғлаганмиз. Ваъдамизга албатта вафо қиламиз.

Баракали хирмон йилининг даромади ҳақида ҳам гапириб ўтай. 1964 йилда пахтадан бир миллион 447 минг сўм даромад олинган эди, бу йилги даромад 2 миллион 400 минг сўмга етади. Ҳар иш кунига 4 сўм 40 тийиндан пул тақсимланади. Меҳнатнинг таги роҳат, деганлари шу-да! Колхозимиз аъзолари ютуқларни мустаҳкамлаш, меҳнат зафарларини кўпайтириш йўлида куч-ғайратларини аямайдилар.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Хива районидаги Беруний номли колхоз раиси.

ЛЕКТОРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ

22 ноябрда Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида лекторларнинг республика семинари ўз ишини бошлади. Семинарда партия комитетларининг, «Билим» жамиятининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг лекторлари қатнашмоқда. Машғулотларни олиб боришга таниқли олимлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари жалб қилинди.

Олти кун давом этадиган машғулотлар КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари ва материалларини ўрганишга, халқаро ҳаёт ва коммунистик ҳаракат проблемаларига бағишланади. Лекторларнинг маҳоратини такомиллаштиришга махсус соатлар ажратилади

Дастлабки кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорлари асосида идеология ишининг вазифалари тўғрисида доклад қилди. (ЎзТАГ).

ХОТИРЖАМЛИК

Бу йил Сурхондарё областининг барча районлари пахта тайёрлаш давлат планини муваффақиятли бажариб она-Ватанга пландан ташқари минглаб тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Область меҳнаткашлари қўшимча мажбуриятларни ҳам шараф билан адо этдилар.

Ана шу муваффақиятларнинг сири ўтган йили кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва сифатли ўтказилганлигидадир. Далалардаги ҳосил барвақт йиғиштириб олинган бу йилги мавсумда кузги-қишки дала ишларини янада қисқа муддатларда ва юқори сифатли ўтказиш учун ҳозир ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Областдаги илғор хўжаликларнинг раҳбарлари бу имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Н. Боймуродов раҳбарлик қилаётган Жарқўрғон районидаги «Меҳнат-Роҳат» колхозининг аъзолари ҳосил йиғим-теримини тугаллаш билан бир қаторда, далаларни ғўзапоядан тозалаш ерларни ўғитлаш ва кузги шудгор ишларини конвейер усулида ташкил этдилар. Улар кузги ишларни тез суръатлар билан ва юқори сифатли ўтказмоқдалар.

Колхоз далаларида ҳар куни 18-20 та ғўзапоя юладиган агрегат ишлаб турибди. Ҳозиргача 260 гектардан зиёд майдон ғўзапоядан тозаланиб, шудгорлаш бошлаб юборилди.

Денов районидаги Ульянов номли, Сарноснё районидаги «Советобод», «Янгиобод» совхозларида, Жарқўрғон районидаги Ленин номли, «Москва» колхозларида ва бошқа қатор хўжаликларда ҳам ҳукм сурмоқда. Афтидан, бу хўжаликларнинг раҳбарлари келгуси йилнинг улкан вазифалари ҳақида ўйламаётганга ўхшайдилар.

Районлардаги аҳвол таҳлил қилинса, вазият янада равшанроқ кўзга ташланади. Кейинги 5-6 йил мобайнида планни бажаролмаган, ниҳоят, бу йил аранг маррага етган Термиз районида (райком секретари Х. Хўжақов, район ижроия комитетининг раиси Х. Болтаев ўртоқлар) эндигина 2 процент майдондаги ғўзапоялар юлиниб, 5 процентга яқин ер шудгорланди, холос. Денов, Сарноснё ва Шеробод районларида ҳам ерларни ғўзапоядан тозалаш, шудгорлаш ишлари ўринсиз равишда пайсалга солиняпти.

Область хўжаликлари бу йил 130 минг гектарга яқин ерни кузги шудгордан ўз вақтида юладиган ёҳуд шудгор қиладиган тракторлар кўринмайди.

Бундай хотиржамлик ҳоллари Шеробод районидаги «Советобод», «Янгиобод» совхозларида, Жарқўрғон районидаги Ленин номли, «Москва» колхозларида ва бошқа қатор хўжаликларда ҳам ҳукм сурмоқда. Афтидан, бу хўжаликларнинг раҳбарлари келгуси йилнинг улкан вазифалари ҳақида ўйламаётганга ўхшайдилар.

Трактор плугларининг ҳам ярми ҳанузгача ремонт қилинмай, занг босиб ётибди. 929 та ғўзапоя юладиган агрегатдан энди 468 таси қўлдан чиқарилди.

Агар бундан кейин ҳам аҳвол шу ҳилда давом этаверса, хотиржамлик ва бепарволикка йўл қўйилаверса, кузги-қишки ишлар ниҳоятда кечиктириб юборилиши мумкин. Бундай фактга эса сира йўл қўйиб бўлмайди. Кузги шудгорни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш келгуси йил мўл ҳосилининг гаровидир. Сурхондарёликлар буни унутмасликлари керак.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

ВОЛГОГРАД. (ТАСС). Қаҳрамон шаҳарда Ўзбекистон кинофильмлари фестивали эўр муваффақият билан ўтмоқда. «Ойдин саҳифа», «Осиё устида бўрон» ва бошқа кинофильмлар бу ердаги бир неча кинотеатрда айни бир вақтда кўрсатилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Кинематография давлат комитетининг раиси А. Қаюмов, «Осиё устида бўрон» фильмида бош ролни ижро этган СССР халқ артисти Шукур Бурхонов, кино режиссёри, «Ойдин саҳифа» кинофильмининг постановкачиси, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Йўлдош Аъзамов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Р. Пирмуҳамедов, Г. Мамедова — Луковникова ва бошқалар ўзбек маданиятининг байрамида қатнашиш учун Волгоградга келишди.

Ўзбекистон кинематографчиларининг қаҳрамон шаҳар аҳолиси билан биринчи учрашувлари бўлиб ўтди. Меҳмонлар Волгоград областининг раҳбар партия ва совет ходимлари билан ҳам учрашдилар. Область партия Комитетининг биринчи секретари Л. Куличенко қардош Ўзбекистоннинг маданият арбобларини самимий табриклади.

Қаҳрамон шаҳар аҳолиси, деди У, Волгадаги қалъани бутун совет халқи билан бирга ўзбек жангчилари ҳам ҳимоя қилганликларини яхши билади. Республикангизнинг меҳнаткашлари бутун мамлакат билан бирга шаҳримизни тиклаб олишга ҳам ёрдам беришди. Айни вақтда волгоградликлар ҳам қардош Ўзбекистонга кўмаклашмоқдалар: сизларга тракторлар, пўлат юбориб турибдилар, шунингдек қишлоқ хўжалик экинларининг заркунандаларига қарши курашмоқ учун заҳарли химикатлар ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етказиб бермоқдалар. Сизларнинг экономикани ва маданиятни ривожлантиришдаги муваффақиятларингиз жуда катта. Буни сизлар яратган ва ҳозир шаҳримиздаги фестивалга олиб келган кинофильмларингиз кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Кинематография давлат комитетининг раиси А. Қаюмов волгоградликларга ўзбек халқининг қардошлик саломини топширди.

Бизнинг фестивалимизни, деди У, ўзбек киносининг 40 йиллик муваффақиятларини кўрсатувчи янгу деса бўлади. Биринчи ўзбек фильми 1925 йил 8 декабрда чиқарилган эди. Томошабинлар олдида зиммамиздаги қарз ҳали катта эканлигини биламиз ва Совет кино санъатининг равнақи учун қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз.



А. В. Луначарский туғилганига 90 йил тўлди

ЛЕНИННИНГ СОДИҚ САФДОШИ

Совет халқи бугун Анатолий Васильевич Луначарский туғилганига 90 йил тўлишини нишонлайди.

Рус революцион-демократик интеллигенциясининг энг яхши намояндаларидан бири — Луначарский ўзининг тақдирини ёшлик чоғларидаёқ ишчилар синфининг иши билан боғлади.

Чоризм турмалари ва ундан кейин эса Вологда сургунлари биринчи рус революцияси бошланмасдан анча илгари Луначарскийни эски ленинча «Искра» тарафдорлари лагерига олиб келди. Худди мана шу ерда, большевикларнинг Марказий органи—«Вперёд», «Пролетарий», «Новое жизнь» (1905 йил), «Вперёд», «Волна», «Эхо» (1906 йил) газеталарида Владимир Ильич Ленининг раҳбарлиги ва таъсири остида, чоризмга, меньшевикларга, кадетларга қарши олиб борилган шиддатли жангларда Анатолий Васильевич Луначарский чиниқди.

Ўша йилларда душманларга қарши тенги бўлмаган курашда Луначарскийнинг публицистик маҳорати, унинг нотиқлик санъати тобланди. Ленин таланти партиявий публицист ва агитаторнинг мақола, нутқларини эўр эътибор ва қизиқиш билан кузатиб борди, унинг ижодий ниятларини рўёбга чиқаришга ёрдам берди, муваффақиятлари билан қувонди, камчиликларидан афсусланиб бунинг учун уни дўстона танқид ҳам қилди.

Луначарскийнинг биринчи рус революцияси даврида ёзган брошюраларидан бирини характерлаб, Владимир Ильич авторга қуйидаги бир қанча танқидий мулоҳазаларни баён қилди: Сизнинг брошюрангизнинг мазмунига келганда, у бутун китобхонлар каби менга ҳам гоят ёқиб тушди, жуда ҳам мароқли ва соз ёзилган нарса, фақат бир нарса: ташқаридан қараганда жуда кўп масалаларда эҳтиётсизликка йўл қўйгансиз, айтиш мумкинки, ҳар қандай эсарлар, меньшевиклар, синдикалистлар уларга ёпишиб олишлари мумкин.

Большевистик газеталарнинг етук редактори, марксча ортодоксияни партия матбуот органларининг шак-шубҳасиз ва бирдан-бир йўналиши деб билган В. И. Ленин камтарлик билан «биргина нарса» деб атаган эслатмасида «Пролетарий» ходимининг ва барча партиявий публицистларнинг диққат-эътиборини фикрни сиёсий нуқтаи назардан равшан ифодалаш заруллигига қаратди. «Бу ҳақиқат,— деб эслаган эди Анатолий Васильевич,— мен партиямизнинг тарихида жуда катта роль ўйнаган газета ва журнал редакцияларида бир қанча вақт мобайнида бевосита Ленининг раҳбарлиги остида ишладим».

Бу эса гоят катта бахт, албатта. Чунки Луначарскийнинг сўзлари билан айтганда, Ленин — «ҳар қандай пролетар публицисти тасаввур этиши мумкин бўлган энг яхши мактабдир».

Кейинги воқеалар Луначарскийнинг ҳаёт йўлини узоқ вақтларга жиддий суратда ўзгартириб юборди. Рус озодлик ҳаракатининг биринчи момақалдироқли тўлқини чор самодержавиеси кишанларини парчалаб ташлай олмай, орқада қолиб кетди. Группаларнинг қайтадан шаклланиши ва кучларни тўплаш, тактикани ўзгартириш, революцион курашнинг янги форма ва методларини ишлаб чиқиш даври бошланди. Самодержавие реакциясининг шафқатсиз йиллари бошланди.

1905 йилги революциянинг маглубиятга учраганлиги, ўша даврда идеалистик философиянинг пастлабки машқлари унинг ҳали заиф хисларига тобора кўп таъсир ўтказиши Луначарскийнинг сиёсий камолат синовидан ўта олмаслигига ва идеалист А. А. Богдановнинг сохта илмий қарашлари таъсири остига тушиб қолишига сабаб бўлди.

Сиёсий группалар ва партиялар олиб борган кураш Луначарскийнинг заиф томони бўлиб қолди. Маданият, адабиёт, санъатнинг умумий масалалари унга кўпроқ яқин эди. Верхарн ёки Уитмен лирикасининг, Ибсен ёки Шоу, драмаларининг, Боттичелли ёки Сезан картиналарининг, Метерлинк ёки Ницше философик публицистикасининг «турли жиҳатлари»ни жуда яхши билган Анатолий Васильевич сиёсий кураш, партия ва группаларнинг жорий кураши тўғрисида ёзган борганида кўпинча хато қилаверди. В. И. Ленин Луначарскийнинг хатоларини тузатиш ва уни ҳимоя қилишга гоят қатъиятлик кўрсатди. Владимир Ильич Луначарский ўзининг гоявий хатоларини бартараф қилади ва большевиклар партиясига қайтади, деган ишонч билан марксизм принципларига ҳалал етказмаган ҳолда унинг хаталарини танқид қилди. Бахтимизга Ленин танқидининг моҳияти зое кетмади. А. В. Луначарскийнинг биринчи жаҳон уруши йилларидаги агитацион ва публицистик фаолияти уни пролетар интернационализми позицияларида туриб Ленин партияси билан яқинлашувига ёрдам берди ва унинг бутун ҳаётининг асосий мазмуни бўлиб қолди.

1917 йилнинг баҳорида Россияга қайтиб келган Луначарский тез орада чақирилган РСДРП(б) съездида большевиклар сафига қабул қилинди. Улуғ Октябрь революцияси ғалабасидан кейин эса ёш Совет республикаси биринчи ишчи-деҳқонлар ҳукуматининг маориф халқ комиссари қилиб тайинланди. Луначарский 1917 йил октябридан 1929 йил сентябригача ана шу вазифада узлуксиз ишлади. Социалистик маданият қурилиши ва халқ мактабининг негизларини яратишда, интеллигенцияни Коммунистик партия теварагига жипслаштиришда ва совет давлатининг бадиий адабиёт соҳасидаги сиёсатини ўтказишда унинг тутган жуда катта роли беқиёсдир. Педагогика ва маориф ишининг ана шу сўзларининг кенг маъносида билагони, совет санъати ва адабиётининг энг йирик назариётчиси бўлган Луначарский мамлакатимизда ҳаҳли равишда маданий революциянинг раҳбарларидан бири деб саналади.

Дилкаш, гоят билимдон, маданиятли, жуда кўп тилларни билган, донишманд — ана шу фазилатларнинг ҳаммаси Луначарскийда мужассамлашган эди.

Немирович—Данченко Луначарскийнинг бадиий театр артистлари билан биринчи учрашувларини эсларкан, у Москва бадиий академик театрининг энг юқори маълумотли кишиларидан ҳам кўпроқ билимли киши бўлиб чиқди, деган эди.

1924 йилда Фанлар академиясининг 200 йиллигини байрам қилиш юбилейида Луначарскийнинг нутқи нечоғли салмоқли ва зўр таъсир қолдирганлигини сира унутиш мумкин эмас. Европа ва Осиёнинг энг йирик буржуа олимлари ўшанда Петроградга тўпланишган эди. Ҳурматли фан аҳлларининг ана шу йиғилишида Луначарский сўзлаган доно, ёрқин нутқ ҳаммага манзур бўлди.

Луначарский чет эл меҳмонларини табриклар экан, ўз нутқини рус тилида бошлаб, немис, француз, итальян, швед, норвеж, грек тилларида давом эттирди ва залда ўтирган олимларни ҳангу-манг қолдириб, латин тилида тамомлади Совет Халқ Комиссари фанни ёруғ юлдузлар ва бахт-саодатга қиёс қилиб гапирди.

Маориф халқ комиссарлиги коллегиясининг мажлисларида бирида А. В. Луначарскийнинг ташаббуси билан Фанлар Академиясининг ҳисоботи қўйилди. Бу пролетариат диктатураси органи вакиллари бўлмиш халқ комиссарлиги раҳбар ходимларининг Россиядаги энг йирик олимлар билан биринчи расмий учрашуви эди. Бу учрашув кекса олимлар халқ комиссарлигининг тавсияларига қандай муносабатда бўлажакларига, улар ўзларининг маданий революцияда тутган ролларини қандай тўғри тушунажакларига кўп жиҳатдан боғлиқ эди.

Маориф халқ комиссари тўпланганларга қарата нутқ сўзлади. У ўз нутқида Совет Фанлар академияси, унинг бўлимларининг ривожланиш истиқболларини ёрқин ва ҳаяжонли тасвирлаб берди. Йиғилиш тамом бўлгач, жаҳонга машҳур математик, академик Стеклов президиум ёнига келиб бундай деди: «Биласизми, ўртоқлар, Анатолий Васильевичнинг сўзларини тинглар эканман ҳайратда қолдим. Мен мутахассис математик бўлсам ҳам, шуни эътироф қиллшим керакки, Анатолий Васильевич мурожаат қилган бир қанча энг янги математика асарларини ҳалигача ўқий олганим йўқ. Сиёсат, ижодиёт соҳасидаги гоят катта ишлар билан банд бўлган, халқ комиссарлигига раҳбарлик қилиш ва шу каби ишлар билан банд бўлган бу киши шунчалар кўп илмий, бунинг устига ўзига хос махсус китобларни ўқиб улгираётганлиги мен учун ростини айтсам, ажойибот!» Луначарский маданий фронтнинг бошқа, яна бир муҳимроқ участкаси — халқ маорифига, янги мактабга, политехнизациялашга, олий ўқув юртларига жуда кўп куч, ғайрат, вақт сарфлади. Мамлакат бўйлаб сонсаноқсиз командировкаларда бўлиш, ўқитувчилар билан суҳбатлашиш, мактабдан ташқари таълим инструкторларининг курсларини очишда, Бутунроссия биринчи маориф съездида, маориф халқ комиссарлигининг Свердлов университети ҳузуридаги секцияда ва шу кабиларда нутқ сўзлаш Луначарскийга хос жўшқин фаолиятнинг самараси бўлиб, бу саводсиз, нодон Россиянинг ёппасига саводхон ва катта маданиятга эришган мамлакат бўлиб қолишига кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Анатолий Васильевич Луначарский босиб ўтган ҳаёт йўли жуда катта ва ёрқиндир. Ажойиб нотиқ ва публицист, адабий танқидчи ва санъатшунос, олим ва давлат арбоби Луначарский ўзининг бутун билимини, бутун ҳаётини ишчилар синфи ишига бағишлади. У қайси бир соҳада ижод қилмасин, Ленин таъбири билан айтганда, тенги йўқ талантли киши, у ўзидан кейин ҳамма жойда сезиларли ва эсдан чиқмайдиган из қолдирди...

В. И. Ленининг шогирди ва сафдоши ўзи ва ўз ўртоқлари ҳақида шундай деб ёзган эди: «Қанчалик кўп кераксиз иш ва хаталар қилган бўлмайлик, биз тарихда тутган ролимиз билан фахрланамиз ва унинг ҳукми тўғрисида бирон бир шубҳага бормай, авлодлар судига ўзимизни қўрқмай — нетмай ҳавода қиламиз».

Л. ИСТОМИН,
тарих фанлари кандидати.

Советлар мамлакатида

● Мамлакат саноат корхоналарининг коллективлари Ленин партиясининг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, ўзларининг биринчи меҳнат муваффақиятлари тўғрисида, келажакка мўлжалланган планлари ҳақида рапорт бермоқдалар.

● ПЕТРОВСКИЙ номидаги Днепропетровск заводи домна цехининг коллективи йиллик мажбуриятни муддатидан олдин бажарди. Бу завод истеъмолчиларга пландан ташқари йиллик чиқаришни 21 минг тонна металл жўнатди. Заводнинг бессемерчилари шу кунларда тезкорлик билан пўлат қуймоқдалар.

● ЛУГАНСК областидаги «Красний партизан» шахтасининг кончилари ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўли билан КПСС съезди очилгунча 72 минг сўм маблағ тежашга қарор қилдилар. Областдаги корхоналар ходимларининг ҳаммаси бу шахта кончиларидан ўрнак олиб ишламоқдалар.

● МИНСК тракторсозлари ўзлари ишлаб чиқараётган МТЗ—50 маркали «Беларусь» тракторларининг ишлаш муддатини янги йилнинг биринчи кварталидан бошлаб, уч минг соатдан тўрт минг соатга етказишга қарор қилдилар. Тракторнинг биринчи капитал ремонтгача ишлайдиган муддатини минг соат кўпайтириш натижасида эллик миллион сўм маблағ тежалади.

● ШИМОЛ денгизларида балиқ овлаётган литвалик балиқчиларнинг ўнлаб кемалари йиллик топшириқ бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар. «Юлюс Янонис» ишлаб чиқариш рефрижератори балиқ маҳсулоти тайёрлаб беришнинг иккинчи йиллик планини бажарди.

Литванинг бир юз эллликка яқин ўртаса балиқчи траулерлари ҳозир шимол денгизларида балиқ овламоқда. Улар ҳар кун беш минг центнер сельдь балиги овламоқдалар. Литванинг балиқ овлайдиган ҳамма кемалари йил бошидан бери икки миллион центнердан кўпроқ балиқ овлаб берди.

● КАЛИНИН камволчилари ноябрь топширигига қўшимча равишда олти минг метр газлама тайёрлаб бердилар. Корхона коллективи газламаларнинг янги нусҳаларини ўзлаштиришни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйиб ҳозир кетма-кет янги нусҳа газламалар чиқармоқдалар. Корхонанинг бадиий устахонаси спортчилар кийимини тикиш учун «Эластик» ипи аралаштириб тўқиладиган янги хил газлама тайёрламоқда. Хилмахил капрон аралаштириб тўқиладиган материални ҳам ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

● СССР Алоқа министрлигининг Ахтир заводидан, Забайкальеда қурилаётган селенгин целлюлоза—картон комбинати қурилиш майдонидан ва мамлакатнинг бошқа кўп районларидаги корхоналардан келаётган хабарларда КПСС XXIII съезди шарафига олинган мажбуриятларни корхона коллективлари ва илғорлари муваффақиятли бажараётганлиги айтилади. (ТАСС).

Олмалиқ шаҳридаги электр подстанциясининг иккинчи навбат қурилишидаги асосий ишлар белгиланган бир ой аввал тугалланмоқда. Иккинчи навбат қуриб битказилиши билан станциянинг қуввати икки баравар ортади. Бу эса рангли металлургия корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради. Суратда: станция қурилишида амалга оширилаётган охирги ишлар.

Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЭКОНОМИСТЛАР ТАЙЁРЛАШ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

«Экономикани яхши биладиган инженер ва техниклар керак». «Планчиларга муштоқмиз». Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлигига бундай талабномалар тобора тез-тез келиб турибди. Талабномалар сони КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумидан кейин айниқса кўпайиб кетди.

Министрликда Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбирига қуйидаги маълумотларни айтиб бердилар: ҳозир республикада ўн тўрт ихтисос бўйича олий маълумотли экономист кадрлар тайёрланмоқда. Шу ихтисосларни эгаллаётган студентларнинг жами сони саккиз минг кишидан ошади. Яқинда ташкил қилинган Марғилон планиқтисод техникуми қурилиш ва савдо ташкилотлари учун планчилар, шунингдек бухгалтер ва товароведлар тайёрлаб чиқаради. Техникумнинг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларида мингга яқин йигит ва қиз ўқимоқда.

Халқ хўжалигининг талаблари тобора кучайиб бораётганлигини назарда тутиб, олий ва ўрта махсус таълим министрлиги экономистлар тайёрлаш кўламини кенгайтиришга қарор қилди. Тошкент политехника институтининг турли факультетларида тўртта янги ихтисос бўйича группалар: энергетика, қурилиш, машинасозлик ва химия саноати экономикаси ҳамда шу тармоқларни ташкил этиш группалари очиш мўлжалланмоқда.

Тошкент ва Қўқондаги техникумлар янги ўқув йилидан бошлаб машинасозлик, қурилиш, нефть ва газ саноати учун экономистлар тайёрлашга киришади.

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

НАКАЗЛАР ИЗИДАН

Кейинги йилларда қишлоқ Советлари, доимий комиссиялар, депутатлар қишлоқларни ободонлаштиришга, меҳнаткашларга маданий-маиший хизматни яхшилашга алоҳида этибор бермоқдалар. Буни Гузор районидаги Қизилча қишлоқ Совети фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Қишлоқ Совети территориясида Крупская номли, Ленин номли, «Ленинизм», «1 Май» колхозлари бор. Бу ерда касалхона, бир неча медицина пункти, озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари, клуб каби маданий-маиший хизмат ўчоқлари ишлаб турибди.

Қишлоқ Советига меҳнатда тобланган ишлаб чиқариш илғорлари, маҳаллий знёлилардан иборат 62 депутат сайланган бўлиб, улар еттита доимий комиссия атрофига уюшган. Улар кенг жамоатчи активларга суянган ҳолда иш олиб бормоқдалар.

Маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловлар вақтида қишлоқ Советига сайловчилардан етмишга яқин наказ тушган эди. Ҳар бир наказ асосида меҳнаткашларнинг эҳтиёжи борлигини чуқур ҳис этган доимий комиссиялар аъзолари уларни амалга оширишга актив киришдилар. Шу кунгача улар ана шу наказларнинг 40 дан ошигини амалга оширишга эришдилар.

Айниқса халқ маорифи доимий комиссиясининг фаолияти диққатга сазовордир. Доимий комиссияга Крупская номли колхоз марказидаги Кутузов номли саккиз йиллик мактаб биносини қайта қуриш ҳақида сайловчилар наказ берган эдилар. Комиссия аъзоларининг аралашуви билан правление мактаб ремонтига маблағ ажратди. Натижада мактаб биноси ремонти барвақт тугалланди.

Йўл қурилиши ва ободончилик доимий комиссияси фаолияти тўғрисида ҳам илиқ сўзлар айтиш мумкин. Доимий комиссия аъзолари сайловчиларнинг наказларини чуқур ўрганиб, уларни имкони борича амалга оширишга интилмоқдалар.

Депутатлардан Ш. Бозоров, М. Иброҳимовлар сайловчиларнинг «Ленинизм» колхози марказида янги туғруқхона ва ҳаммом бинолари қуриш ҳақидаги наказларини амалга оширишга эришдилар. Доимий комиссия аъзолари ташаббуси билан қишлоқ Совети территориясидаги ремонтга муҳтож йўллар тартибга келтирилди. Шу жумладан Крупская номли колхоз марказидан то Деҳқонободгача бўлган ўнқир-чўқир йўллар яхшилаб текисланди. «Ленинизм», «1 Май» колхозларида барча хонадонлар электрлаштирилди. Крупская номли колхоз хонадонларини ҳам электрлаштириш мўлжалланяпти.

Қишлоқ хўжалиги бўйича доимий комиссия хўжаликларга ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилмоқда. Бу йил қишлоқ Советидаги колхоз меҳнаткашлари ажойиб галабани қўлга киритдилар. Крупская номли колхоз давлатга сут топшириш планини 133,5 процент, жун, тухум топшириш планини эса 100 процентдан ошириб адо этди. Шунингдек, «1 Май», «Ленинизм» колхозлари ҳам давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планларини ортиги билан адо этдилар. Доимий комиссия қишлоқ Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясига хўжаликларда чорва қишловига тайёргарлик масаласини киритди. Сессияда чорва қишловига яхши тайёргарлик кўриш тадбирлари белгиланди. Шу кунларда ана шу тадбирларни амалга ошириш ишлари қизғин олиб борилянти. Емхашак тўплаш, қўтонларни ремонт қилиш, чўпон-чўлиқларнинг уйларини қишга тайёрлашда депутатлар бош-қош бўлмоқдалар.

И. МИРЗАЕВ.

Прокуратура органлари раҳбар ходимларининг семинари

Яқинда СССР прокуратурасида иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлка ва областлар прокуратуралари раҳбар ходимларининг семинари ўтказилди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш юзасидан прокуратура органлари ишларини ташкил этишга семинарда асосий эътибор берилди.

Семинарда социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, жиноятларни текшириш устидан прокурор назоратини кучайтириш, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорлари асосида прокурор ва терговчи кадрларни танлаш ҳамда тарбиялаш ишларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилди.

СССР Бош прокурори Р. А. Руденко, СССР Олий судининг раиси А. Ф. Горкин, СССР Бош прокурорининг ўринбосарлари М. П. Маляров, Н. В. Жогин, А. С. Панкратов, РСФСР прокурори В. М. Блинов, СССР прокуратураси бошқармалари ва бўлимларининг бошлиқлари, юрист олимлар семинар қатнашчиларига лекция ва докладлар қилдилар.

Семинар ишида КПСС Марказий Комитети маъмурий органлар бўлими мудирининг ўринбосари Ўртоқ С. И. Грачев иштирок этди.

АМУ КАНАЛЛАРГА ОҚСАМ ДЕЙДИ

Хоразмда суғориш каналларининг ремонти қизғин давом этмоқда. Ҳазораспдаги Нариманов номли ва «Партия XXI съезди», Хивадаги Ленин номли ва Фрунзе номли, Урганч районидаги Охунбобоев номли колхозлар ва бошқа кўпгина хўжаликлар сув йўлларини муддатидан анча олдин эпақага келтириб қўйдилар.

Гидромеханизаторлар гошириқ лойиҳасида мўлжалланган уч миллион куб метр балчиқнинг икки миллион куб метрдан кўпроғини қисқа вақт ичида каналларнинг ичидан қазиб чиқардилар.

Хоразм ирригаторлари каналларга шу йилнинг ўзидаёқ сув боғлашга ҳамда экинзорларнинг кўпроқ қисмини куз-қиш ойларида шўрдан тозалашда пахтакорларга ёрдам беришга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

«БАҲОР»НИНГ ИЖОДИЙ САФАРИ

«Баҳор» ансамбли ўзининг катта ижодий программаси билан мамлакатимиз бўйлаб гастролда юрибди. СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева бадиий раҳбарлик қилаётган бу ансамбль яқиндагина Совет Қирғизистонининг шаҳар ва қишлоқларида бўлиб концертлар берган эди.

«Баҳор» ансамбли шу кунларда Қозоғистоннинг пойтахти — Олматада концерт бераётир. Қардош қозоқ томошабинлари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Равшаной Шарипова, Раъно Низомова, Салоҳитдин Тўхтасинов, Бахтиёр Алиев, Равшанбек Акбарбековларнинг ижрочилик қобилиятига қойил қолмоқдалар.

Олмаота шинавандалари «Баҳор» ансамблининг концертларини юксак баҳоламоқда.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТХОНЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Янгийўл, Калинин районлари газетхонларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари Х. Мусахонова очди.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори Ўртоқ М. Қориев газета редакциясининг иш фаолияти ва режалари ҳақида сўзлаб берди.

Газетхонлардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Ленинизм» колхозининг раиси Абдулла Ортиқов, Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхоз механик-ҳайдовчиси Абдураҳим Қирсадаков, Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхози партия ташкилоти секретари Жонибеков, Янгийўл районидаги Фурқат номли мактаб ўқитувчиси Маҳмуд Эргашев, «Коммунизм тонги» район газетаси редакторининг ўринбосари Саъдуллаев, Калинин район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи Эгамбердиев ўртоқлар сўзга чиқиб, ўзларининг қимматли таклиф ва мулоҳазаларини айтдилар.

ЖИЛОВЛАНГАН ЭНЕРГИЯ

Электр энергияси билан иссиқлик энергиясини саноатнинг қон томири дейиш мумкин. Шу бўлмай қолса, корхоналарнинг юраги — станоклару машина-ускуналар тўхтаб қолади. Баъзи корхоналарда энергия тежаб тергалмайди. Жиловланмаган энергия исроф бўлаверади. Оқибатда корхона катта миқдорда жарима тўлайди. Бу эса ўз навбатида, маҳсулот таннархини оширди.

Энергияни тежаш давлат аҳамиятига эгадир. Фарғона область саноат корхоналарининг мутахассислари йилдан йилга кўплаб энергияни тежаб қолишга муваффақ бўлишяпти. Фарғона азот ўғитлари заводида шу йилнинг тўққиз ойи ичида қарийб 6 миллион киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида эса бу кўрсаткич 1,5 миллион киловатт-соатни ташкил этди. Ана шу икки корхонанинг ўзида тежалган электр энергияси билан Фарғона тўқимачилик комбинатидек корхонани 1-1,5 ой мобайнида ишлатиб туриш мумкин.

Бундай кўп миқдордаги энергияни тежаб қолишга қандай эришилди, дерсиз. Бир гап билан айтсак, бу корхоналарда ортиқча харажатларга чек қўйилган. Масалан, азот ўғитлари заводида электр энергиясининг ортиқча исроф бўлишига чек қўядиган био катор тадбирлар амалга оширилди. Технологик режим яхшиланди. Метан конверсиясида ишлатиладиган катализатор янги катализатор билан алмаштирилди. Градирняларидаги суюқ ўғитни ёмғир қилиб ёғдириб, донадор ўғитга айлантирадиган ускуналар такомиллаштирилди. Абсербция колонналарининг қисмлари ремонтдан чиқарилди. Шунга ўхшаш катор тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида электр энергиясининг исроф бўлиши кескин камайди.

Шунингдек, Фарғона тўқимачилик комбинати, Қўқон суперфосфат заводи ва бошқа бир қанча корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларида эҳтиёжларга яраша двигателлар ўрнатиш, электр энергияси сарфлашни нормадан ошириб, натижасида уларнинг ҳар бирида бир неча юз минг киловатт-соатдан энергия тежаб қолинди. Область корхоналари бўйича ўтган тўққиз ой ичида тежаб қолинган электр энергияси 20,8 миллион киловатт-соатни ташкил этди. Бу энергия билан тўқимачилик комбинати бир неча ой мобайнида бетўхтов ишлаб туриши мумкин. Бу факт область саноат корхоналари халқ хўжалигига қанчалик катта фойда келтирганликларини кўрсатиб турибди. Тўққиз ой мобайнида область саноат корхоналарида тежаб қолинган қарийб 120 минг гекакалорий иссиқлик энергияси билан ҳам бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин.

Областдаги ҳамма корхоналар ҳам электр энергиясини тежашга бирдай аҳамият беришганда натижа бундан ҳам қувонарли бўлар эди. Афсуски, Қўқон пайпоқ-трикотаж комбинати, Қўқон ёғ-мой комбинати, Фарғона уйсозлик комбинати, «Фарғона» пойафзал фирмаси сингари қатор корхоналарда электр энергиясининг исроф қилинишига йўл қўйилди. Қўқондаги пайпоқ-трикотаж комбинати раҳбарлари республика Энергетика ва электрлаштириш министрлигига корхонада электр энергияси етишмаётганлиги ҳақида бир неча марта арз қилишган. Министрлик уларнинг талабини қондирган. Лекин яқинда ўтказилган текширишда бу комбинатда электр энергияси кўп исроф қилинаётгани маълум бўлиб қолди. Комбинатда ўтган тўққиз ой мобайнида 360 минг киловатт-соат энергиянинг исроф бўлишига йўл қўйилган. Бу, область корхоналарида исроф бўлган электр энергиясининг ярмидан ортиқроғини ташкил этади. Қўқон ёғ-мой комбинатида эса шу давр ичида қарийб 300 минг киловатт-соат электр энергияси исроф бўлди. Бунга тўланган жарима маҳсулот таннархини қимматлаштирди. Шунга қарамай, бу корхоналарнинг раҳбарлари электр энергиясининг исроф бўлишига чек қўйишни ўйламаётирлар. Электр энергиясини тежаш юзасидан белгиланаётган тадбирлар амалга оширилмай, қоғозда қолаётир.

Қўқон пайпоқ-трикотаж комбинатида йигирув ва ҳимарув машиналарида ипларнинг узилиш сони жуда юқори, нормадагидан 2-3 баравар кўп. Натижада ипларни улашга кетадиган вақт ҳам нормадагидан 2-3 баравар ортиб кетди. Йигирув ва ҳимарув машиналаридаги кўплаб урчуқлар эса бу вақтда бекорга айланиб ётади. Урчуқларнинг бекорга айланишига ҳам электр энергияси сарф бўлади. Шунингдек, тараш машиналари ҳам кўпинча бекорга ишлаб туради.

Электр энергиясини жиловлаб ишлатишда гап кўп. Уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш корхонани зарарга ботиради, холос.

Т. ЙЎЛДОШЕВ,
энергетик инженер.

Иқтисодий темада

ХУШХАБАРЛАР

Бойсун матлубот жамияти Шеробод районидаги «Бойсун», «Работ» совхозлари ҳамда Бойсун қишлоқ Совети территориясидаги меҳнаткашларга хизмат кўрсатмоқда.

Илғор коллектив меҳнаткашларга намунали савдо хизмати кўрсатиш, савдонинг прогрессив усулларини қўлланиш билан яхши натижаларга эришмоқда. Матлубот жамияти бўйича 10 ойлик товар оборoти плани 107,7 процент бажарилди.

Н. МУРОДОВ.

⊙

Фарғона область, Ленинград район колхозларо қурилиш ташкилоти районда қурилиш ишларини жадал суръатлар билан олиб бормоқда. Ташкилот қурувчилари шу йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида 7 та дала шийпони, 4 та ўрта мактаб биноси, 450 тонна минерал ўғит сақланадиган омбор, қуриб битказдилар.

Қ. ТУРСУНОВ.

Замонамиз қаҳрамонлари

ЮЗ ФАСЛ МЕВАСИ

Енгил қор ёғиб ўтди. Оплоқ оқариб ётган чаноқлар-у, шодасида кўсаклар кўксига қиров қўнди. Тилов аканинг бир ташвишига ўн ташвиш қўшилди. Қалин лаблари беихтиёр қимирлади:

— Бемаҳал қичқирган хўрознинг бошини уз, деган нақл бор. Лекин бемаҳал ёққан ҳавога нима ҳам деб бўлади!

Ҳа, табиатнинг иши бу. Тилов ака 25 йилдан буён деҳқончилик қилар экан, ўтган ана шу юз фаслнинг ўзига хос хусусиятларини жуда яхши билиб, ўрганиб олган.

— Тўғри, бу йил куз яхши келди,— дейди у. — Бироқ терим айни қизиган дақиқаларда ёмғир ҳам бўлди. Бўлмаса, Сирдарё ҳам пахта планини Октябрь байрамигача бемалол бажарарди.

Бригадир шуларни ўйлаб турганида, пайкал тўридан моторлар овози гуруллаб кетди. Бирдан ҳаёли бўлинди унинг. Тез-тез юриб терим машиналарига пешвоз чиқди. Агрегатлар эгатлар орасига ёриб кириб, бир лаҳза тўхтаб қолишди. Чунки, ғўза барглари, бунинг устига оппоқ чаноқлар анча ҳўл бўлиб қолганди. Машина шпин деллари яхши ҳаракат қилмай. ҳўл пахта баргларига илашиб шпинделларга халақит берарди.

— Машиналарни тушгача юргизиб бўлмас,— деди механик-ҳайдовчи Жовқан Жалғашев. — Овқатдан сўнг ҳаракат қилиб кўрсакми, дейман.

Бригада бошлиғи унинг гапини қувватлади. Шунда кимдир ҳазилмутойиба қилмоқчи бўлди:

— Планни 140 процентга етказиб қўйган бўлсак, яна нима керак? Бу ёғини энди шошилмай етмай терсак бўлаверади.

Ўйланмай айтилган бу гапдан бригадир жуда хафа бўлди. Бироқ, ҳалиги одамни ранжитгиси келмади. Гапни ётиғи билан тушунтирди:

— Бригадамизни областда машъал дейишади. Биласанми, нега шундай? Планни ҳаммадан илгари бажардик. Бу — яхши. Лекин далада ҳосил тўлиб-тошиб ётибди-ку! Ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта топириш учун имконият йўқ дейсанми? Бор. Кирқ центнердан эмас, ундан ҳам ошириб пахта топиришак бўлади. Лекин ҳамма гап пешана тери билан етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай, саранжом-саришталаб олишда. Ахир, шундай юқори ҳосил етиштиришимизга бригададаги 17 кишининг баббаравар хизмати сингган-ку. Сен ҳам шулар жумласидан, оғайни.

Бояги одамнинг бурнигача қизариб кетди. Лом-мим деёлмай, ерга қараб қолди. Тилов ака эса аччиқ, лекин очиқ гапиргани учун хижолат торта бошлади. Ниҳоят, ўйламай гапирган одамнинг елкасига қўл ташлаб, самимий гап қотди:

— Саратон палласидаги воқеани бир эсла. Ўшанда ўзинг биринчи бўлиб кечаю-кундуз сув тутиш тўғрисида таклиф киритган эдинг. Вақт билан ҳисоблашмай ишлаганингни ҳеч ким унутмайди. Ким ўз меҳнат мевасини ерда қолдиргиси келади. Қанча кўп пахта топширсак, шунча кўп ҳақ оламиз.

Билмай гапириб қўйган сувчи Холи Зиёдуллаев эди. У ўз гапига пушаймон бўлди.

...Тилов ака Маманов ҳар туп ғўзани ўз фарзанди каби яхши кўради, у чинакам пахтапарвар. Тилов ака пахта ишқи билан нафас олиш, пахта ишқи билан яшаш ва ижод қилиш учун бундан 25 йил муқаддам Фориш районидан Мирзачўлга келган. Унинг қалби, инсоний бурчи бу ёқларга ундаган. Тилов ака дастлабки йили Сирдарё районидаги собиқ Тарас Шевченко номли колхозда кетмончи бўлиб ишлай бошлади. Уша йили колхоз 215 гектар майдонга чигит экарди. Гектаридан олинган ҳосил эса зўрға 7-8 центнерга етарди. Тилов ака ҳам кўпчилик қатори фақат қўл кучи билан, кетмон ишлатиб пахта ўстирди.

Орадан бир неча йил ўтиб кетди. Тилов ака Мамановни пахтачилик звеносига бошлиқ қилиб тайинлашди. 1950 йилнинг эрта баҳори эди. Тилов акани колхоз правлениеси идорасига чақириб қолишди. Партия ташкилотининг секретари ҳам шу ерда экан. Илиққина салом-аликдан сўнг, колхоз партия ташкилотининг секретари юрагидагини айтди:

— Колхозимизда ҳали ҳам учтўртта бригада судралиб келяпти. Бирортасига сизни бошлиқ қилиб юбормоқчимиз.

Тилов ака дабдабабозликни, мақтанчоқликни ёмон кўради. Шунинг учун ҳам қисқагина жавоб қилди:

— Қўлимдан келган хизматимни аямайман.

Шу-шу бўлди-ю, Тилов акани энг қолоқ бригадага юборишди. 33 гектар майдонга чигит экган бу бригаданинг ҳосилдорлиги гектарига ўн центнердан ошмас экан. Бунга сабаб нима? Тилов акани ана шу савол қизиқтирарди. У кўп ўйлади. Етти ўлчаб, бир кесди: ҳамма гап одамларда, уларнинг меҳнатга муҳаббат қўйишида, дерди унинг қалби. Бу тўғри бўлиб чиқди. Янги бригадир аъзоларини тўплади, ҳар бирининг қалбига йўл ахтарди. Юриш-туриши, оилавий аҳволи билан қизиқди. Колхоз омборидан бир неча центнер бўғдой олиб, одамларга бўлиб берди. Бригада аъзоларининг томорқа ерлари билан ҳам танишиб чиқди. Ишлар юришиб кетди. Одамларнинг кайфияти ўзгарди.

Янги бригадирнинг тадбиркорлиги колхозга ҳам, колхозчиларга ҳам катта фойда келтирди. 33 гектар ернинг ҳар гектаридан 24 центнердан пахта йиғиб-териб олинди. Бундай ҳосилни колхозда ҳеч ким кўрмаган эди. Ҳамма Тилов ака бригадасига келиб-кетадиган, унинг ишлари билан танишадиган, одамлари билан дилдан гаплашадиган бўлиб қолди. Тилов ака ҳам тажрибаларини бошқалардан аямади, қолоқ бригадаларга ҳамиша ёрдам кўрсатиб турди. Айни вақтда ҳосилдорликни янада ошириш йўлларини излади. Маҳаллий ва минерал ўғитлардан кўпроқ фойдаланишни лозим топди. Экин майдонларини чуқур шудгорлашга алоҳида эътибор билан қаради. Ерни яхши ишлади. Ер ҳам ўз бойликларини аямади. 1956 йили 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 46,6 центнердан ҳосил кўтарилди. Тилов ака Мамановнинг бу хизматлари муносиб тақдирланди. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

Тилов ака қаҳрамонларга хос ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишда ҳаммага ўрнак кўрсатаверди. Ушандан буён тўққиз йил ўтибдики, унинг бригадаси ҳар йили ҳам план ва мажбуриятини ошириб адо этяпти. Бригаданинг айниқса бу йилги кўрсаткичлари кишини қувонтирмай қўймайди. 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 41 центнердан «оқ олтин» кўтарилди. Пахтанинг 95 проценти «зангори кема»ларда териб олинди. Механик-ҳайдовчилардан Жовқан Жалғашев 140 тонна, Содиқ Худойқулов, Жуман Саримов, Саидмурод Тиркашев ўртоқларнинг ҳар бири 90 тоннадан ошириб пахта теришди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тилов ака Маманов бошлиқ бригада фақат Сирдарё районидаги «Правда» колхозида эмас, балки бутун Мирзачўл воҳасида ҳам машъал бўлиб қолди. Бу ютуқларнинг сири ҳақида, бригадир бундай дейди:

— Ерни чуқур шудгорламасдан, уни маҳаллий ва минерал ўғитларга тўйдирмасдан, қондириб суғормасдан туриб мўл ҳосил етиштириб бўлмайди. Биз ерларимизни ўтган йили кузда сифатли шудгорлаб қўйган эдик. Ер ҳайдашдан олдин ҳар гектар майдонга 400 килограммдан суперфосфат, 6 тоннадан гўнг солдик. Бу вегетация даврида жуда қўл келди. Бегона ўт кам бўлди. Яганадан кейин колхозчиларимиз умумий кетмон ушлаганлари йўқ. Июль ойининг биринчи ўн кунлигидан кейин ғўзага азот бермадик. Натижада ғўзаларимиз ғовлаб кетмай, серҳосил бўлди. Августнинг бошларида «шарбат» оқиздик. Шундан кейин ғўзаларни эгат таш лаб суғордик. Бошқа агротехника тадбирлари ҳам бири-бирига боғлаб олиб борилди.

Яқинда Тилов акани учратиб, анча суҳбатлашиб олдик. Гап устида кимдир сўраб қолди:

— Йигирма беш йилдан буён пахтачилик звено ва бригадаларига бошчилик қилар экансиз. Бу— юз фасл дегани. Шу давр ичида қанча пахта топширдингиз?

Тилов ака ён дафтарчасининг бир варағини очди-да, илиққина кулиб:

— Бу йилгиси билан 43 минг 800 центнер бўлади,— деди.

Ҳа, шунча пахта — юз фаслнинг ажойиб меваси. Бу пахта миллион-миллион юракларни ҳамон ситиб келяпти.

Самад ҚОДИРОВ.

ЯЙЛОВ ГАШТИ

Тоғ ортидан эринчоқлик билан кўтарилаётган қуёшнинг аввалги тафти қайтган. Саратонда шу она тупроққа бутун ҳароратини пуркаганиданми, ҳозир уялгандай қиё боқади. Заррин кокилларини ҳам илгаригидай ёза олмайди. Жилгалардаги сувлар тиниқ тортган, баҳордаги шўх-шўх куйлаб оқиши йўқ. Мирзатераклар шохида сўлгин барглар осилиб қолган.

Яйлов ҳам бошқача тус олган. Кечагина шаррос қуйган ёмғир чўл гиёҳлари—каррак ва янтоқларни ҳам ювитиб юборган. Бундай пайтда қўйлар янтоқни иштаҳа билан кавшайди. Чанқоғи ҳам босилади. Ирноқдаги қудуққа ҳайдаб бориб суғориш учун ҳожат ҳам йўқ.

Давлат ота эсини танибдики, қўй-қўзи боқади. Қишнинг бадании жунжитдиган қаҳратони ҳам, ёзнинг жазирама иссиғи ҳам унга писанд эмас. Совуқдан ҳам, иссиқдан ҳам чўчимайди. Қўнғир тоғи этакларига бешбармоқдай маълум. Бу ерлардан неча-неча марталаб ўтган, жамоат чорвасини кўз қорачиғидай асраган. Давлат ота ҳозир 63 ёшда. Аммо у ўзини ёшлардек бардам ва тетик сезади. Қаридим, деб қўл ковуштириб ўтирган йўқ. Қимматли маслаҳатлари билан чорвадорларга кўмаклашади, уларни улкан чўққилар сари отлантиради. Отларларда, фермаларда бўлади. Камчиликларни кўрса, индамай ўта олмайди. Ютуқлардан эса қувонади.

Давлат отанинг ўғли Бекназар ака шу совхознинг кўзга кўринган, тилга тушган чўпонларидан. Чўпонлик таёғини тутганига ҳам 12 йил бўлиб қолибди. Шундан бери яйлов кезади. Эл-юртга кўпроқ фойда келтиришни истайди. Бирдан-бир мақсади — жамоат чорвасини кўпайтириш. Бекназар Давлатов отарида бу йил 442 совлиқнинг ҳар юз бошидан 125 тадан соғлом қўзи олинди. Ўрғочи қўзиларнинг ҳаммаси наслга қолдирилди. Ҳар бир қўйдан қирқиб олинган жун миқдори 4 килограммга етказилди. Бу жиҳатдан ҳам қўшни отарлардаги чорвадорларга ўрнак бўлди у.

Айни қиём палласи. Теварак атрофда қўй қўралари. Давлат ота ва Бекназар ака пичан ғарами атрофида алланималар ҳақида баҳслашишади.

— Бу йил қиш бултургидан совуқроқ келадиган кўринади. Бундай пайтда озуқанинг кўплиги қўл келади. Молинг тўқ—кўнглинг тўқ, деганлари бежиз эмас. Мол семиз бўлса, қишдан соғлом чиқади. Бундан ташқари маҳсулот ҳам мўл бўлади. Жамғарилгандан ташқари яна қўшимча озуқа тўплаш керак. Ана шундагина кўнглинг тўқ,— гап уқтиради ўғлига отахон.

Чорвадорлар шу кунларда қиш гамини сира унутишмаяпти. Ем-хашак тўплашда бир сенокосилка, бир грабл, иккита тележка ва ўн киши иштирок этяпти. Ҳар куни далалардан 12-15 тонна янтоқ йиғиштириб олинмоқда. Озуқа жамғаришда сенокосилкачи Холмамат Мамарасулов, ишчилардан Усатилла Иноятов, Кенжа Шаропов, Парда Абдуганиев, Ҳусан Қандимов, Ҳаким Жонтўраевлар жонбозлик кўрсатишмоқда. Ем-хашакни қишлов жойларига ташиб келтиришда тележкачилардан Нормат Йўлдошев ва Дўстёр Эрматовлар бош-қош бўлишяпти.

Бекназар ака ҳозир 539 бош совлиқни парвариш қилмоқда. Унинг келгуси йилги режалари катта. Ҳар юз бош совлиқдан 135 тадан қўзи, ҳар бош қўйдан 4,5 килограммдан жун қирқиб олмоқчи. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Чорва моллар қишлайдиган қўралар атрофига 1,40 тонна хашак келтирилиб, майдалаб қўйилди. Шу кунларда қўйлар яйловда боқилмоқда.

Наби Рустамов мудирлик қилаётган фермада бундай тажрибали, жонкуяр чўпонлар анчагина бор. Улар йилнинг тўрт фаслида ҳам баҳодирона меҳнат қилиб, жамоат чорвачилигини ривожлантиришда ажойиб натижаларни қўлга киритишяпти. Эшат Ҳушимов ва Эшим Рустамовлар ана шундай азамат чорвадорлардан.

Ферма чорвадорларининг эришаётган муваффақиятлари чакки эмас. Бу ерда 3407 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан бу йил 120 тадан қўзи олинди. Наслга қўзи қолдиришда эса совхоз бўйича мусобақа байроғи уларнинг қўлида. Урчитиш кампанияси айниқса яхши ўтказилди. 3 минг совлиқ СЖК препарати ёрдамида қочирилди.

Қишлов — чорвадор учун катта синов. Ана шу масъулиятли имтиҳондан муваффақиятли ўтган чорвадор ҳақиқий чорвадор ҳисобланади. Буни ферма шунқорлари сира-сира унутишмайди. 150 тонна пичан, 280 тонна сомон, 511 тонна янтоқ моллар қишлайдиган жойларга ташиб келтирилган. Жамғарилган озуқанинг 80 проценти «ДКУ» машиналарида майдалаб қўйилди. Мавжуд 14 та қўра сифатли ремонт қилинди. Янгидан битта типовой кошар қурилди.

Косон районидаги «Чорвадор» совхозининг Наби Рустамов мудирлик қилаётган фермаси коллективи чорва туёғини кўпайтиришда, мўл-кўл маҳсулот етиштиришда етакчилик қилмоқда. Чорвадорлар келгуси йилда ҳар юз бош совлиқдан 125 тадан қўзи, ҳар бош қўйдан 3,5 килограммдан жун қирқиб олиш учун ғайрат камарини маҳкам боғлаб ишлашяпти.

Э. РАСУЛОВ,
Н. ТИЛОВОВ.

КПСС МК сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз

ЕР ОСТИ СУВЛАРИ

Партиямиз Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми ўз аҳамиятига кўра чиндан ҳам тарихийдир. Пленумда бошқа кўпгина муҳим масалалар қаторида фан ютуқларини ишлаб чиқаришда жорий этиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Пленум қарорлари барча фанларга ҳам тааллуқлидир. Мазкур мақолада ер ости сувларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Яқин йиллар ичида республикада суғориладиган ерлар майдонини икки ярим миллиондан беш миллион гектарга етказиш мўлжалланмоқда. Лекин Сирдарё ва Амударё бундай катта майдони сув билан таъминлашга қодир эмас.

Тошкентдаги гидрогеология ва инженерлик геологияси институти олимлари Ғ. О. Мавлонов, Н. А. Кенесарин, С. Мирзаев ўртоқлар ер ости сувлари запасини аниқлаш, ўрганиш ва ундан халқ хўжалигида фойдаланиш йўлларини топиш юзасидан катта илмий иш олиб бормоқдалар. Юқорида кўрсатилган олимларимизнинг кўп йиллик илмий-тадқиқотлари натижасида Фарғона ва Зарафшон водийсида, Бухоро воҳаси ва Мирзачўлнинг шимоли-шарқида катта ер ости сув запаслари борлиги аниқланди. Бу тадқиқотларнинг натижалари иттифоқ ва республикамиз илмий журналларида босилиб чиқди. Илгариги вақтларда ота-боболаримиз баъзи жойларда оқар сувлар йўқлиги туфайли, экин далаларини ер ости сувлари, аниқроғи булоқларнинг сувлари билан суғорганлар. Ҳозир ҳам баъзи жойларда — Самарқанд областининг Нурота районида, Фарғона водийсининг Шимолий районларида каризлар сув манбаи бўлиб ҳисобланади.

Нурота районидаги каризларнинг асосий соли 400 тадан ортиқ. Ушбу районнинг Каттасой водийсида каризлардан чиқадиган сувнинг ҳажми секундига 200 литрни ташкил қилади; ундан рўзғор эҳтиёжлари, далаларни суғориш ва чорва фермалари учун фойдаланилмоқда.

Фарғона область, Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг Жамол Абдураззоқов бошлиқ бригадаси территориясида ҳам оқар сувлар жуда кам. Деҳқонлар 6 жойда насос ўрнатиб ер ости сувларини далаларга оқизмоқдалар. Инл сайин мўл ҳосил олмоқдалар.

Олма кўчатлари ўтқазилган территорияда грунт сувларига олма дарахтларининг томирлари етиб қолса, бу дарахтларнинг ривожланиши, мевага кириши бошқа оқар сувлар билан суғорилаётган олмазорларга нисбатан анча тезроқ ривожланади ва серҳосил бўлади. Шунингдек, беда майдонларини ҳам грунт билан суғорилса, ариқ сувлари билан суғорилган беда майдонларига қараганда кўпроқ ҳосил беради.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида инсонлар, ўсимликлар ва чорва моллар организмларининг соғлиғи, нормал ривожланиши учун зарур бўлган кимёвий элементлар, айниқса микроэлементлар ер ости сувларида анча кўп эканлиги аниқланди. Ўсимликлардан тайёрланадиган озиқ-овқатлар таркибида баъзи бир элементларнинг бўлмаслиги одамлар ва ҳайвонларда кўпгина касалликлар туғдиради. Масалан, кишиларда кобальт номли микроэлемент етишмаса — анемия (камқонлик) касаллиги келиб чиқади, нод етишмаган киши эса бўқоқ касаллигига йўлиқади. Модомики, микроэлементлар ана шундай муҳим физиологик функцияни бажарар экан ва бу элементларнинг бўлмаслиги организмда кўпгина касалликлар туғдирар экан, шу зарур микроэлементларни топиш ва уни қўллаш зарур.

Бу муҳим масалани ҳал қилишда ер ости сувларининг аҳамияти катта. Республикамизда ер ости сувлари ниҳоят даражада кўп бўла туриб, бу сувлардан кенг суратда фойдаланиш ҳали яхши йўлга қўйилганича йўқ. Масалан, республикамиздаги кўп шаҳар ва районлар ичиладиган сувга бўлган эҳтиёжни ариқ ва анҳорлар суви ҳисобидан қондирэётирлар.

Республикамиздаги барча тоғли жойлардаги ерларда кўп булоқлар бор. Бу булоқ сувларининг асосий манбалари қор, ёмғир, дўл, хуллас ёғин-сочинлардир. Бу сувларга тоғ жинслари таъсир қилиб улгуролмайди. Лекин сифат жиҳатидан бу сувлар ҳам бир қадар минераллашган. Буларнинг таркибида йод, фтор, молибден йўқ, бўр, марганец ва мис жуда кам. Булоқ сувлари билан мева дарахтларини, сабзавот ва бедапояларни суғорадиган жойлар ҳам бор. Сирдарё областида чорва фермаларининг кўпчилиги булоқ ва ариқ сувлари билан таъмин этилмоқда.

Айниқса, қиш ойларида яйловларда бўлмаган пайтларда чорва молларини оқар сувлар ёки булоқ сувлари билан суғориш яхши оқибатга олиб келмайди. Жойларда бўлганимизда авитаминоз касалликларининг оқибатини кўрдик. Оқар сувлар ва булоқ сувларининг таркибини йод, фтор, молибден, марганец, мис, кумуш, литий, бўр тузлари билан ложи борича қониқарли бойитиш масаласи медицина ходимлари ва ветеринария мутахассисларининг навбатдаги вазифасидир. Айниқса, январь, февраль ойларида чорва молларида содир бўладиган авитаминоз касалликлари кўк ўтларнинг йўқлигидан пайдо бўлади. Чунки кўк ўтлар юқорида кўрсатилган микроэлементларни ўз организмига тўплаган бўлади. Чорва моллларининг организми эса шу кўк ўтлар, қудуқ сувлари орқали микроэлементларга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Сирдарё областида кенг тарқалган янтоқ ўсимлигининг кимёвий таркибини текшириш натижасида 100 грамм янтоқ кулининг таркибида 0,055 грамм литий топилди. Янтоқ фақат ер ости сувларидан баҳра олади. Беда таркибида (100 грамм кулда) литий 0,002 граммни ташкил этар экан. Сирдарё областида ўсган янтоқ литий микроэлементга бойлиги аниқланди. Бу эса чорвачилик учун зўр аҳамиятга эга. Литий организмда шакар ташкил этишда иштирок этади. Совуқдан сақлайди, қиш ойларида янтоқ чорва фермаларида содир бўлиши мумкин бўлган авитаминоз касаллигининг олдини олади.

Бутун чорва фермаларининг мутахассислари, раҳбарлари буни қаттиқ назарда тутиб, янтоқ уни, беда, маккажўхори силосини қиш ойларида кўп ишлатишлари ва ер ости сувларини ишлатишга кенг йўл очишлари керак.

Яна Фарғона водийсининг нефть сувлари ҳам эриган иодга, бўрга, бромга бой. Бу сувлар билан сабзавотчиликни, ем-хашак экинларини суғориш мумкин. Поп атрофидаги ер ости сувлари иодга бой. Поччаота ер ости сувлари эриган рух микроэлементларига бой. Андижондаги Мирпўстин ер ости сувининг таркибида эриган оғир металлар микроэлементлари борлиги аниқланди. Бу сув шифобахш. Унинг составидаги кумуш, мис, рух, темир, ваноди литий эритмаларининг организмга, яраларга даво эканлигини эса медицина аллақачонос исбот этган.

Ҳозир артезиан қудуқларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бундай артезиан қудуқларни Фарғона водийсида, Қизилқум саҳросида, Ўзбекистоннинг ғарбий ва жанубий томонларида ва бошқа жойларда кўплаб учратиш мумкин. Уларнинг сони йил сайин тобора кўпаймоқда.

Семашко номидаги Ўзбекистон Давлат курортология ва физиотерапия институтининг ходимлари кейинги вақтларда жуда кўп шифобахш сувларни аниқладилар. Айниқса, Фарғона водийси тагида чучук минерал сувлар (Ванновск, Жалолобод) ва шўр минерал сувлар (Чортоқ, Полвонтош ва бошқалар) бор. Чучук минерал сувларга Тошкент минерал сувини ҳам мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу сувлар ҳам микроэлементларга бой бўлиб, нерв касалликларига, хотин-қизларда учрайдиган баъзи касалликларга, юрак, ошқозон-ичак касалликларига ва бошқа касалликларга даво эканлиги аниқланди. Ҳозирги пайтда мана шу минерал сувлардан фойдаланиш мақсадида Фарғона водийсида кўпгина шифохоналар ташкил этилган. Буларга Чимён, Полвонтош, Жайронтепа, Андижондаги ва бошқа ердаги шифохоналар мисол бўла олади. Чортоқ ва Жалолобод минерал сувлари асосида курортлар бунёдга келтирилди.

Яқин орада «Фарғона минерал суви» (бу сув Ванновск станцияси олдида чиқади) ва «Жалолобод минерал суви»дан аҳоли ўз истеъмоли учун кенг қўламда фойдалана бошлади. Ҳозирги вақтда Чортоқ минерал сувини қайнатиб, кукунсимон шифобахш туз олинмоқда. Бу туздан республикамизнинг даволаш муассасалари фойдаланада.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, агрохимия лабораториялари ер ости сувларининг минераллашиш даражасини текшириб, аниқ хулосага келганларидан кейингина улардан фойдаланиш керак.

К. МИРЗАЕВА,
Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, Фарғона Давлат педагогика институтининг қишлоқ хўжалик асослари кафедрасининг доценти.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг механизаторлари ҳосил йиғим-терими даврида «зангори кема»ларни унумли ишлатиб, ҳар бир агрегат билан 90-100 тоннадан пахта теришди. Айни вақтда улар ҳосилдан бўшаган ерларни шудгорлашни Тошкент областида биринчи бўлиб бошлашган эди. Ҳозир бу иш ниҳоясига етай деб қолди. Суратда: илғор механизаторлардан Т. Асрақулов, Т. Маматов ва М. Оқбоев ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

Солдат МАКТУБЛАРИ

Редакцияга Совет Армияси сафида хизмат қилаётган ўзбекистонлик йигитлардан ҳар куни кўплаб хатлар келиб турибди. Қуйида ушбу хатлардан намуналар ўқийсиз:

ҚУВОНЧ

Яқинда бўлинмамизга ўзбек санъаткорларининг бир группаси келиб, катта концерт қўйиб беришди. Жонажон республикамиз пойтахтидан келган азиз меҳмонларни бўлинма солдатлари зўр қувонч билан кутиб олишди.

Айниқса, Гулнора Маваева, Қундуз Миркаримова, Юнус Тўраев каби санъаткорлар ижро этган рақс ва куйлар солдатларга манзур бўлди.

Санъатингизга, қойилмиз! Маҳорат чўққиларини эгаллашда сизларга муваффақиятлар тилаймиз.

Солдатлар номидан:
сержант Ғ. БОЙБОБОЕВ,
ефрейтор Ж. ШАГАЕВ.

Ф А Х Р

Бўлинмамиз солдатлари Исмоил Қориев, Бахтиёр Қодиров ва Санъат Зариповлар номини фахр билан тилга оладилар. Улар ҳарбий билим ва техникани эгаллашда, жанговар топшириқларни бажаришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Намунали хизматлари учун улар бир неча марта ташаккурномалар олганлар. Илғор солдатлар ўз спорт маҳоратларини ҳам тинмай оширмоқдалар.

Ҳар бир бўлажак ёш солдат ана шундай посбонларимиздан ўрнак олса арзийди..

Р. МАТЧОНОВ,
оддий солдат.

ОҚ ЙЎЛ!

Шу кунларда Совет Армиясининг бўлинмаларида қизғин дамлар. Муқаддас, шарафли йигитлик бурчларини виждонан ўтаб, ўз уйларига ошиқаётган солдатлар кўп. Мана, қисмимизнинг умумий состави байрамдагидек саф тортиб турибди. Штаб бошлиғининг умумий состав саф тортганлиги ҳақидаги рапортини қабул қилиб олган бўлинмамиз командири умумий состав билан саломлашади.

Сўнгра у:

— Ўртоқ ҳарбий қурувчилар! —деб сўз бошлади. — Бўлинмамизда бугун катта тантана ва шодлик. Бугун Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчни виждонан ўтаган ажойиб йигитларимизни уйларига жўнатяпмиз. Уларнинг деярли ҳаммаси аъло даражада хизмат қилишди ва юксак ипончимизни кутилгандан ҳам афзалроқ оқлашди. Йигитларимизнинг метинтдек интизомлиликлари ва унумли меҳнатлари туфайлигина бўлинмамиз доим илғорлар сафида борди. Кўплаб ҳарбий қурувчиларимиз «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган юксак ном эгаси бўлишди.

Бўлинма командири мисол қилиб кўрсатган коммунистик меҳнат зарбдорлари орасида бухоролик Тоғай Саидов, Абдулла Очилов, самарқандлик Искандар Қодиров, хоразмлик Омонгелди Бекназаров ва бошқа йигитлар бор.

И. НОРМАТОВ,
младший сержант.

БАХТИЁРЛАР

Нева бўйлаб уч йигит тез-тез одимлаб борарди. Улар гоят шод, бахтиёр эдилар. Булар ким, қаёққа шошилишяпти? Кўзимга иссиқ кўринишди. Бахтиёрлар билан танишдим. Улар Ленинграддаги Нахимов номли ҳарбий-денгиз билим юртининг талабалари экан. Бири жиззахлик Босит Охунжонов, иккинчиси қаршилик Нурмат Маҳмудов, яна бири шаҳрисабзлик Абдушукур Матқобулов экан.

Денгизчи ўзбек йигитларини билим юртидаги барча нахимовчилар яхши билишади. Чунки улар ўқишда аълочи, юриш-туришда бошқаларга намуна. Улар Улуғ Ватан қутганидек муносиб денгизчи бўлиш, шонли «Аврора» шуҳратини янада бойитиш иштиёқи билан яшамоқдалар.

А. Н. СТАРИЧКОВ,
офицер.

* * *

Шунингдек, оддий солдатлардан Ж. Камолов, П. Дусатов, Р. Баратов, Ю. Хушманов, А. Солиев, Т. Йўлдошев, М. Жўраев, М. Нишонов, А. Аллаев, сержант М. Абдураҳмонов, матрос А. Мирсаидов, ефрейтор А. Тўраев ўртоқлар йўллаган мактубларда Ватанимиз посбонлари ҳаётининг турли томонлари ҳикоя қилинган.

АМЕРИКАЛИКЛАР ҚОЙИЛ!

Ўтган йилнинг 8 декабрида Американинг Питтсбург шаҳрида «СССРда соғлиқни сақлаш масалалари» номли совет виставкаси очилган эди. Яқинда шу виставка муваффақият билан якунланди. Унда «сунъий юрак-ўпка» аппаратлари, автоматик операция столлари ва бошқа медицина ускуналари намойиш қилинди. Булардан ташқари яна виставкада СССРда соғлиқни сақлаш ишларини ташкил қилишга, хусусан Мурманск, Волгоград ва Наманган шаҳарларида бу соҳадаги қилинган ишларга бағишланган фотолар, фильмлар ва схемалар ҳам қўйилган эди.

«СССРда соғлиқни сақлаш масалалари» виставкаси Питтсбургдан кейин АҚШнинг йирик шаҳарлари — Канзас-Сити ва Цинцинатида ҳам катта муваффақият билан намойиш қилинди. Бизга яқинда СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги Санитария маорифи институтидан маълум қилишларича, бу виставка ва унинг экспонатларидан американликлар жуда мамнун бўлганлар. «Виставкани кириб томоша қилган американликлар,— деб хабарлайди улар,— СССРда соғлиқни сақлаш масалаларини билан, айниқса миллий республикалар ва хусусан Ўзбекистонда бу масалада қандай ишлар амалга оширилаётгани билан ниҳоятда қизиқдилар.

Виставка қатнашчилари Наманган шаҳридаги врачлар ва медицина муассасалари сонини Американинг шу хилдаги шаҳарлари имкониятига солиштириб кўриб, СССРда бу масалада анча илгарилаб кетилганлигини тан олдилар. Улар совет медицина системаси АҚШда мавжуд бўлган медицина системасидан устун эканлигини қайд қилдилар. Бунинг устига СССРда медицина хизматлари пулсиз амалга оширилганлигига қойил қолдилар».

Дарҳақиқат, Наманган шаҳрининг АҚШдаги виставкага қўйилиши бежиз эмас эди. Чунки бу шаҳарда революциягача биронта врачни ёки биронта дорихонани учратиш амри маҳол эди. Ҳозирги кунга келиб 630 кишига бир врач, 230 кишига ўрта медицина маълумотига эга бўлган мутахассис тўғри келади.

А. АЛИЕВ.
Наманган санитария маорифи уйининг бош врачи.
М. МУМИНОВ,
методист.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ БИЛАН ДУРАНГ

Ўтган дам олиш куни СССР терма командаси Рио-де-Жанейрода икки марта жаҳон чемпиони Бразилия терма командаси билан учрашди.

Совет футболчилари Бразилиядаги биринчи жавоб матчини 2:2 ҳисобида дуранг қилишга эришдилар. 220 минг томошабин йиғилган улкан стадионда бўлиб ўтган бу матчнинг биринчи таймида ҳисоб очилмади. Иккинчи таймда аввалига Герсон, сўнгра машҳур Пелелар иккита тўп киритишди. Ўзларини йўқотиб қўймаган совет футболчилари актив қарши ҳужумга ўтиб турдилар. Аввалига А. Банишевский, сўнгра ўйин тугашига беш минут қолганда С. Метревелилар иккита тўп киритиб, ҳисобни 2:2 қилишди.

СЎНГГИ МАТЧЛАР

«А» класси иккинчи лигасида қатнашаётган командалар ҳам мавсум учрашувларини тугатган бўлсаларда келаси йил кучлилар сафига ўтадиган команда аниқлангани йўқ. Олмаотанинг «Қайрат», Ереваннинг «Арарат» командалари 38 тадан очко билан мавсумни тугатдилар.

БОКУДА МАҒЛУБИЯТ

Келаси йил «А» класси иккинчи лигасига ўтиш ҳуқуқини берадиган йўлланма учун куч синашаётган Фарғонанинг «Нефтяник» командаси турнирнинг биринчи куни Ленинободнинг «Помир» командасига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйди.

КУЧЛИЛАР КУРАШНИ БОШЛАДИ

Юз катакли шашка бўйича мамлакат XI чемпионати бошланди. Гроссмейстерлар И. Куперман ва В. Шчёголевлар бу биринчиликда турли сабаблар билан қатнаша олмасликлари туфайли улар ўрнини тошкентлик В. Рапопорт ва куйбишевлик Б. Бергаллар эгаллашди.

Биринчи тур ўзбек шашкачилари учун қувонч келтирмади. Е. Черкасский ва В. Рапопортлар мағлубиятга учради. Е. Черкасский С. Манштиннинг ўйинни дуранг қилиш ҳақидаги таклифини рад этди. Кейин эса кетма-кет хатога йўл қўйиб мағлубиятга учради. Бир неча марта финалда қатнашган Б. Шкиткин бундай йирик мусобақаларда биринчи марта қатнашаётган И. Степанов билан бўлган партияси жуда кескин ўтди. Тажриба ва маҳорат устун келди. И. Степанов енгилди.

Иккинчи турда В. Рапопорт яна енгилди. Е. Черкасский москвалик Л. Кац билан, С. Давидов эса пойтахтнинг иккинчи вакили В. Агофонов билан, Т. Қосимов калининлик Н. Сретенский билан бўлган учрашувларни дуранг қилди.

Икки турдан кейин халқаро мастер А. Андрейко икки очко билан олдинда бормоқда.

Б. ВАСИЛЬЕВ.

ШОИРА ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

Зулфия Исроилова ўзбек совет адабиётининг йирик намояндаларидан бири. Уни Иттифоқимиздагина эмас, балки кўпгина чет мамлакатларда ҳам севиб ўқийдилар. Шоиранинг асарлари бир неча тилларга таржима қилиниб, кўпминг нусхаларда нашр этилган.

25 ноябрда республика кенг китобхонлар оммаси ва қалам соҳиблари Зулфиянинг 50 ёшга тўлиши ва 30 йиллик ижодий меҳнатига бағишланган юбилей тантанасини ўтказадилар. Шу кунларда шоира ўз китобхонлари билан учрашмоқда. 20 ноябрда Тошкентдаги В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида студентлар ва ўқитувчилар коллективи Зулфия билан учрашдилар. Мазмунли докладдан сўнг, студентларнинг чиқишлари бўлди. Зулфия бу ерда ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди.

Шоиранинг юбилейига бағишлаб «Тошкент» нашриёти унинг «Танланган асарлар»ини нашр этди. Бу китобда Зулфиянинг 30 йил давомида қилган катта ижодий меҳнатининг сара гуллари мужассамлаштирилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти журналист Адхам Акбаровнинг Зулфия ҳаёти ва ижодий йўлига бағишланган «Қалб қуйчиси» брошюрасини ҳам нашр этди.

Юбилей тантанасига республикамизнинг барча областларидан ташқари Москвадан ва қардош республикалардан меҳмонлар келмоқдалар.

Ю. ҲАМДАМОВ.

Ўтган якшанба куни Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театри саҳнасида япон драматурги Моримото Каорунинг «Ўғирланган умр» драмасининг (А. Абдуллаев таржимаси) премьераси бўлди. Театрнинг бу янги спектакли Тошкент театр ишқибозлари томонидан қизғин кутиб олинди. Суратда: «Ўғирланган умр» драмасининг 1-пардасидан кўриниш.

М. Нуриддинов фотоси.

ХАЛҚАРО ОБЗОР — ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

СОВЕТ АРТИСТЛАРИГА ОЛИЙ МУКОФОТ

ХАНОЙ. (ТАСС). Шимолий Вьетнамда гастроль бераётган Сибирь халқ рақс ансамбли Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг қарорига биноан, биринчи даражали Меҳнат ордени билан мукофотланди. Чет эллик артистлар коллективи Вьетнам Демократик Республикасида меҳнатдаги ютуқлар учун бериладиган энг юксак мукофот билан биринчи марта тақдирланди. Вьетнам Демократик Республикасида 36 та концерт, шу жумладан тўртинчи ҳарбий зона зенитчилари ва халқ мудофаа қўшинлари учун 14 та концерт кўйиб берган совет артистларининг ижрочилик маҳорати ана шундай баҳо олди.

Пойтахт жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари ҳозирлигида совет ансамблига биринчи даражали Меҳнат ордени 19 ноябрда тантанали вазиятда топширилди. Вьетнам Демократик Республикасининг маданият министри Хоанг Минь Зиам маросимда сўзга чиқиб, бундай деди: «мамлакатимизнинг бошига шундай оғир кун тушган пайтларда ансамблинг юртимизга келганлигидан беҳад хурсандмиз. Совет артистларининг ажойиб концертлари Вьетнам —Совет жанговар дўстлигини янада кўпроқ мустаҳкамлади».

АҚШНИНГ ЛАОСДАГИ АГРЕССИВ ҲАРАКАТЛАРИ ТЎХТАТИЛСИН

Лаос масаласини бартараф қилишга доир Женева кенгаши ҳамраислари қўшма мактубининг Совет лойиҳаси 18 ноябрда СССР Ташқи ишлар министрлигида Буюк Британиянинг Москвадаги элчихонасининг кенгашчи — вакили Т. Бриметлоуга топширилди. Совет лойиҳасида айтиладики, Лаосга бағишланган 1962 йилги Женева кенгашининг ҳамраислари АҚШнинг Лаос территориясидаги агрессив ҳаракатлари тўхтатилмаётганлигини кўрсатувчи фактларга мазкур кенгашда қатнашган мамлакатларнинг эътиборини тортишни истар эдилар.

Лаосдаги кузатувчи ва контроль қилувчи халқаро комиссия Лаоснинг ўнг қучлари АҚШ ёрдамига таяниб, Лаоснинг Нео Лао Хак Сат ва ватанпарвар бетараф кучлар контроллиги остидаги районларга кўп марталаб қуролли ҳужумлар қилганликлари тўғрисида кейнги икки ой ичида бир қанча хабарлар олди. Ҳамраислар, АҚШнинг бундай ҳаракатлари Лаосдаги тинчликка жиддий хавф туғдиради ва бутун Шарқи-Жанубий Осиёда вазиятни кескинлаштиришга олиб келади, деб ҳисоблайдилар.

Ҳамраислар АҚШнинг Лаосдаги агрессив ҳарбий ҳаракатларини кескин равишда қоралайдилар. Улар АҚШ ҳукуматини Лаосни бомбардимон қилишларни дарҳол тўхтатишга, ўзининг ҳарбий ва ярим ҳарбий ходимларини Лаосдан олиб чиқиб кетишга, Жанубий Вьетнамдаги урушни кенгайтириш ва Вьетнам Демократик Республикасига қарши иғвогарликлар қилиш мақсадида Лаос территориясида фойдаланишдан воз кечишга чақирадилар. (ТАСС).

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР ВАЗИЯТИДА

17 ноябрда Бразилия пойтахти Рио-де-Жанейрода Америка давлатлари ташкилотининг иккинчи фавқулодда конференцияси очилди. Бу конференцияга АҚШнинг ва Латин Америкасидаги 18 мамлакатнинг ташқи ишлар министрлари тўпланишди. Конференциянинг кун тартибига киритилган расмий масалалар орасида иқтисодий ҳамкорлик, Америка давлатлари ташқилотининг ваколатларини кенгайтириш масалалари, ғарбий ярим шарда «коммунистик қўпорувчилик фаолияти» деб аталган масала бор. Американааро доимий қуролли кучлар тузиш масаласи конференция кун тартибига киритилмади. Бироқ, бу нарса конференция давомида бу масала муҳокама қилинмаслигини билдирмайди. Америка давлатлари ташкилотида корчалонлик қилиб келаётган АҚШ яқин ўтмишнинг аянчли тажрибасини эслаб бу масалани конференция кун тартибига атайин киритмади. Америка давлатлари ташкилоти конференцияси бу йил икки марта орқага сурилди, биринчи марта—АҚШнинг Санто-Домингодаги агрессияси сабабли, иккинчи марта — Американааро қуролли кучлар тузиш тўғрисида АҚШ ўзининг ёвуз лойиҳасини Америка давлатлари ташкилотидан тасдиқлатиб олмоқчи бўлганлигига қарши Латин Америкаси халқларининг норозилиги кучайиб кетганлиги сабабли конференция чақириладиган кун орқага сурила берди.

АҚШ раҳбарлигида «Американааро тинчлик кучларини» тузишни Вашингтон Латин Америкасидаги ўзининг асосий сиёсий мақсадларидан бири деб ҳисобламоқда. Чунки Вашингтоннинг фикрича, фақат шундай кучларгина АҚШга ёқмайдиган ҳукуматлар ҳокимиятни қўлга олаётган мамлакатларда АҚШнинг қуролли интервенция қилиши учун ўнғай ниқоб бўла олади. Маълумки АҚШнинг вакиллар палатаси Латин Америкасининг ички ишларига аралашиш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилиш билан АҚШ ҳукуматининг Доминикана Республикасида «Американааро кучлар байроғи» остида қилаётган номаъқулчиликларига ўхшаш янги жиноятлар қилишишига йўл очиб берди.

Латин Америкаси халқларининг тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқини Вашингтон ўзига ўтказиб олишга сурбетлик билан уринаётганлигига қарши норозиликлар тўлқини бу қитъада бир дақиқа ҳам тўхтаётгани йўқ. Латин Америкасида давом қилиб келаётган ва АҚШга қарши бўлган кучли кайфиятлар Америка ёшлари ташкилоти конференциясида қатнашаётган мамлакатлар ҳукуматларининг позициясига таъсир қилмай қолмади, албатта.

Кучларнинг бундай нисбати конференцияда АҚШнинг анча мушкулликка учрашидан далолат бермоқда. Конференция очилиш арафасида АҚШ давлат секретари Дин Раск «ўжар» ҳукуматларни кўндириш учун сафарга жўнади. У, Венесуэла, Уругвай ва Аргентинага борди. Бу мамлакатларда уни башарасига туфориб ва Америкага кескин қаршилик билдирилган шиорлар билан кутиб олишди. Шу тарика Дин Раск Латин Америкасидаги ҳақиқий кайфият қандайлигини ўз кўзи билан кўриш имкониятига эга бўлди. Доминикана Республикасини «Американааро кучларнинг» Доминикана ички ишларига аралашаётганлигини конференцияда маъқуллаб чиқишга кўндирмоқ учун Вашингтон ўз вакили Ричард Расселни Доминикана Республикасига юборганлиги АҚШнинг мунофиқлигини ва найрангбозлигини яққол кўрсатди. Агар Доминикана Республикаси шундай қилганида эди, АҚШнинг фикрича, бу нарса Американааро доимий қуролли кучлар тузиш тўғрисидаги Вашингтоннинг планларини амалга оширишга кўрсатилаётган қаршиликни заифлантиришга ёрдам берган бўлур эди.

Лекин бу найранглар АҚШнинг позициясини асло мустаҳкамламайди. Рио-де-Жанейродаги конференция ғарбий ярим шардаги АҚШнинг сиёсатига Латин Америкаси халқлари кескин душманлик билан қараётган вазиятда очилди.

ЗИМБАБВЕ ХАЛҚИ ТИЗ ЧЎКМАЙДИ

Жанубий Родезия мустақил деб эълон қилинганлиги оқ танли бир ҳовуч муҳожирларнинг тўрт миллионли африкалик аҳоли устидан мустамлака ҳукмронлигини мустаҳкамлайди. Жанубий Родезия ирқчиларининг бу ишини ашаддий ирқчи, Жанубий Африка Республикасининг бош министри Хендрик Фервурд очиқдан-очиқ мақтаганлиги тасодифий эмас. Фервурд Жанубий Африка Республикасини ва Жанубий Родезияни Африкадаги озодлик ҳаракатига қарши ҳурашда «оқ танлилар қалъасининг» ядросига айлантирмоқ учун жуда кўп куч ва ғайрат сарфламоқда.

Жанубий Родезияни идора қилишда асосий масъулиятни ўз зиммасига олган Англия йўл қўйиб берганлиги туфайли Жанубий Родезия ирқчилари ўзларининг жинояткорона планларини амалга оширди. 1961 йилда Жанубий Родезияга ирқчилик конституциясини тортиқ қилган Англиянинг ўзи бу мамлакатда нўпчиликни ташкил этган африкаликлар устидан оқ танли озчиликнинг ҳукмронлигини мустаҳкамлади, ирқчилар режимининг иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамланиб қолишига ҳамиша ёрдам бериб келди.

Жанубий Родезия «мустақил» деб эълон қилинганидан кейин рўй берган ҳодисалар бу хулосани тасдиқламоқда. Англия Жанубий Родезияни идора қилаётган давлат тарақасида ирқчиларга қарши қуролли куч қўлланишга ҳақли бўлса ҳам аммо, уларга қарши қуролли куч қўлланишдан бош тортди. Жанубий Родезиянинг олий ҳокими ролини бажариб келаётган, Англия тайинлаган губернатор Гиббсни Ян Смит губернаторлиқ лавозимидан «четлаштирганлиги» ҳақиқатан ҳам кулгили иш бўлди. Англия сир бой бермасликка уринмоқда. У, жаҳон жамоатчилигига ўзини гўё ирқчиларга қарши қаттик чоралар қўлланиш тарафдори қилиб кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Англия парламенти ҳукуматга Жанубий Родезияга нисбатан иқтисодий ва молиявий чеклаш чораларини кўриш ҳуқуқини берувчи қонун қабул қилди. Лекин бу чоралар Жанубий Родезия ирқчиларига катта зарар етказмаслиги ҳозирнинг ўзида ҳам равшан бўлиб турибди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги Англия вакилларининг тактикаси эътиборни жалб қилмоқда. Жанубий Родезиядаги аҳвол масаласини Хавфсизлик Кенгашида кўйишга Англия ташаббусчи (!) бўлди. Парламентда Вильсонга, Англия нега шундай қилди, деб савол берилганида бош министр бунга жавобан: «Чунки агар биз шундай қилмасак бошқа бирор мамлакат шундай қилади...» деди. «Дейли телеграф» газетаси бу гапни изоҳлаб бундай деб ёзди: Ташқи ишлар министри Стюартнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги мақсади «экстремистик таъсирларга йўл қўймасликдан», яъни масаланинг муҳокама қилинишига бошқа мамлакатларнинг таъсирини камайтиришдан иборатдир.

Жанубий Родезия бош министри Ян Смит Англиянинг бундай позициясини кўриб, ўзини анча дадил ҳис қиладиган бўлиб қолди, холос. Унинг биринчи иши Жанубий Родезияда Фавқулодда ҳолат эълон қилишдан иборат бўлиб қолди. Сўнгра африкаликларнинг поселкаларига ҳарбий қисмлар киритиб қўйилди, Замбия чегарасига қўшин тўпланди, матбуот қаттиқ цензура остига олинди.

Лекин Смит ва унинг шериклари Жанубий Родезиядаги африкаликларни қўрқитишга муваффақ бўла олмайдилар. Африкаликлар уларнинг ҳаракатларига жавобан кўп корхоналарда забастовкалар бошлаб юордилар. Тақиқлаб қўйилган партиянинг —Зимбабведаги Африкалик халқ иттифоқи партиясининг раҳбари Д. Нкомо, бизнинг партиямиз ўз кучларини тагин ҳам зўр бериб тўплай бошлайди ва мустамлакачиларга қарши қуролли нураш тайёрламоқда, деди. Африкаликлар Жанубий Родезияни Зимбабве, деб атайдилар. Бутун мустақил Африка, бутун прогрессив инсоният ана шу Зимбабве халқи томонида. Африка бирлиги ташкилоти Зимбабве халқининг озодлиги учун олиб бораётган курашига ёрдам кўрсатишга ўзининг тайёр эканлигини яна бир марта айтди. Африка давлатлари лозим бўлган чораларни кўра бошладилар. Бирлашган Араб Республикасининг ҳукумати Жанубий Родезия байроғи остидаги кемаларнинг Сувайш каналидан ўтишига рухсат бермаймиз, деди. Занжибар Жанубий Родезия билан қилинадиган савдо-сотиқни батамом тақиқлаб қўйди. Танзания Жанубий Родезияга пул маблағларини ўтказишни тақиқлаб қўйиш мақсадида фармойиш берди. Гвинея президенти Секу Туре Африкадаги барча мустақил давлатларнинг раҳбарларини ирқчиларга қарши ошиғич чоралар кўришга, ҳатто коллектив бўлиб ҳарбий куч билан аралашиш чораларини ҳам кўришга чақирди. Гана, Мали, Жазоир, Эфиопия, Уганда, Конго (Браззавиль) ҳукуматлари ҳам шундай қилмоқдалар. Совет ҳукумати Зимбабве халқи билан ўзининг бирдам эканлигини ва чинакам мустақиллик учун курашда Зимбабвега ёрдам кўрсатишда Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик қилишга ўзининг тайёр бўлиб турганлигини айтди.

КУРАШ ҲАЛИ ТУГАГАНИ ЙЎҚ

Японияннг ҳукмрон либерал-демократик партияси Жанубий Корея билан муносабатларни нормаллаштириш тўғрисида деган шартномани парламент қоидаларини бузган ҳолда қўйи палатадан тасдиқлатиб олди. Бу шартнома «асосий шартнома»дан ташқари бир қанча ҳужжатларни: балиқ овлаш тўғрисидаги, Жанубий Корея ва Япония гражданларининг юридик статути тўғрисидаги, «мулкий даъволар» ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги, маданий бойликлар ва маданият соҳасида қилинадиган ҳамкорлик тўғрисидаги тўртта битимни ўз ичига олади.

Бу битимлар Қўшма Штатлар томонидан қилинаётган тазйиқнинг натижаси бўлди. Чунки АҚШ Осиёдаги ўзининг агрессив сиёсий йўлига тортиш мақсадида Япония ҳукуматини ва Жанубий Корея ҳокимиятини мана шундай битимлар тузишга кўп йиллардан бери ундаб келди. Бу битимлар япон халқининг ҳам, корейс халқининг ҳам манфаатларига хизмат қилмайди. Бу битимлар келгусида Япония билан Корея ўртасидаги муносабатларни бартараф қилишга халақит бериши мумкин, холос. Ҳозирнинг ўзида ҳам бу битимлар Япония—Жанубий Корея келишмовчиликларининг манбаларини батамом йўқотмайди. Буржуазиянинг ҳафталик журнали «Сюкан Асахи»да босилган мақолада, жумладан, Танэсима оролари кимнинг қўлида бўлиши ва Жанубий Корея соҳилида бўлган балиқ овлаш зонасининг чегарасини белгилаш сингари масалалар ҳали ҳам ана шу низоли масалалар бўлиб қолаётганлиги қайд қилинмоқда.

Коммунист, социалист депутатлар ва «Комэйто» партиясининг депутатлари Япония—Жанубий Корея битимлари қонунга хилоф равишда овозга қўйилаётганлигига қарши норозилик билдириб, парламентнинг бундан буёнги ишида қатнашишдан бош тортдилар. Битимларга қарши нураш ҳалқатамом бўлгани йўқ. Бу нураш парламент ичида бутун Японядаги шаҳар ва қишлоқларнинг кўчаларига олиб чиқилди. Япония Касаба союзлари бош кенгашининг раҳбарлиги ноябрь—декабрь ойига мўлжалланган ҳаракат программасини қабул қилиб, меҳнаткашларни ҳукуматни истеъфо бердириш учун, Япония—Жанубий Корея битимларини бекор қилдириш учун нурашга чақирди. Социалистлар ва коммунистлар иштироки билан мамлакатнинг турли шаҳарларида парламентнинг қуйи палатасини тарқатиб юбориш учун нураш комитетлари тузилади ва парламент тарқатиб юборилсин, деган талабномага 40 миллион имзо тўплаш кампанияси ўтказилади.

Д. КАСАТКИН.
(ТАСС).

СУКАРНО НУТҚИ

ЖАКАРТА, 22 ноябрь. (ТАСС). Президент Сукарно кеча президентнинг Богордаги саройида лашкарбошилар билан, шу жумладан Индонезиядаги барча ҳарбий округларнинг қўмондонлари билан кенгаш ўтказди. Сукарно иккита нутқ сўзлади. У ўзининг биринчи нутқида мана шу кенгашни очиш маросимида ҳозир бўлган индонез ва чет эллик мухбирларга мурожаат қилди. Сукарно эҳтиросларни авж олдиришга уринаётган ҳамда шу мақсадда Индонезиядаги сўнгги воқеалар ва «30 сентябрь ҳаракати» хусусида энг турли-туман бўлмағур гапларни тарқатаётган индонез ва ғарб журналистларидан хафа бўлиб, уларни қоралади.

Сукарно гўё «30 сентябрь ҳаракати» тарафдорлари томонидан қилинган «ёвузликлар» тўғрисидаги гапларни ёзиб чиққан газеталарнинг хабарлари устидан кулди.

Сукарно агар мамлакатда эҳтиросларни авж олдириши давом этгираберсалар, ҳар қандай партияни, шу жумладан «Наҳдатул уламо» партияси билан миллий партияни тарқатиб юбораман, деб огоҳлантирди.

Президент Сукарно иккинчи нутқини махфий вазиятда сўзлади ва бу нутқ тўғрисида мухбирларга ҳеч нарса маълум қилинмади.

ПАРЛАМЕНТ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛСИН

ТОКИО, 20 ноябрь. (ТАСС). Японияда парламент демократиясини бошқатдан ўрнига тиклашнинг бирдан-бир йўли — парламентнинг қуйи палатасини тарқатиб юборишдир, деди бугун социалистик партия раиси Сасаки.

Сасаки Токиода партия аъзолари ҳузурида нутқ сўзлаб, япон меҳнаткашларининг тириклигини қийинлаштиришга олиб бораётган сиёсати учун Сато ҳукумати билан ҳукмрон либерал-демократ и к партияни қаттиқ танқид қилди.

БИР ЖАНГ НАТИЖАЛАРИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Жанубий Вьетнам озодлик армияси жангчиларининг яқинда Митхо вилояти маъмурий марказидан 6 километр нарида жойлашган Танхеиеп ҳарбий-ҳаво базасига жасурлик билан қилган ҳужуми натижасида олтита Америка самолёти йўқ қилинди ва душманнинг икки батальони тор-мор қилинди. Вьетнам информация агентлиги Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг «Озодлик» агентлиги ахборотига асосланиб ана шу ҳақда хабар беради.

Хабарда айтиладики, ватанпарварлар Америка базасини тўсатдан минометлардан ўққа тутиб, аэродромга бостириб кирдилар ва у ерда турган самолётларни портлатиб юборди лар.

Айни шу вақтда бир группа ҳужумчилар яқин атрофда жойлашган аэродром соқчилари батальони ва бошқа икки батальон билан шиддатли жанг қилдилар. Жанг бир ярим соат давом этгач, соқчилар батальони ва яна бир батальон қириб ташланди. 5 та разведкачи самолёт, бир транспорт самолёти ва турли типдаги 20 автомашина йўқ қилинди. Кўпгина қурол-яроғ ва бошқа ўлжалар қўлга туширилди.

Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг муваффақиятли ўтган ана шу ҳужуми натижасида, дейилади ВИА агентлигининг хабарида. Сайгон режими армиясининг шу йил ичидаги айрим жангларда бутунлай қириб ташланган батальонларининг умумий сони 35 тага етди.

«ИЧКИ ИШЛАРГА АРАЛАШГАНИ УЧУН»

ДОРУССАЛОМ (ТАСС). Америкалик ўқитувчилардан Брюс Бостон билан унинг рафиқаси Малави ички ишларга аралашганликлари учун Малави ҳукумати уларни 48 соат мобайнида мамлакат тупроғидан чиқариб юбориш тўғрисида буйруқ берди, деб хабар қилади Блантайр радиоси.

БИЛДИРИШ

Шу йил 24 ноябрь эрталаб соат 10 да Матбуот давлат комитетининг мажлислар зали биносида (Навоий кўчаси 30, 19-хона). Иқтисодий темада ёзадиган журналистларнинг семинари бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

23 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15— Концерт. 6.45 — Гимнастика (ўзб.). 7.35 — Эшиттиришлар программаси. 8.25 — Қўшиқлар.

9.15 — «Совет ўзбекистони». 9.23 — «Правда Востока». 9.53 — «Ленин байроғи». 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — «Ялда» концерти. 9.45— «Ишлаб чиқариш маданияти меҳнат унумдорлигини оширади» (нож.). 10.10 — Кинофильмлардан куйлар. 10.30 — Концерт. 11.10 — Янги китоблар (рус.). 11.25 — Камер асарлар. 12.15 — Спорт эшитириши (ўзб.). 12.30 — Ўзбек музикали драмаларидан парчалар. 13.00 — Чорвадорлар учун. 13.40 — Концерт. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.). 16.15 — Музикали эшиттириш. 18.10 — Рус куйлари. 18.30 — Концерт. 19.20 — Қорақалпоқ куйлари. 20.00 — «Катта ҳуқуқлар ва юксак масъулият» (рус.). 20.10 — Концерт. 20.45 — Илмий-атеистик темада (ўзб.). 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.). 22.00 — Халқаро темада (ўзб.). 22.10 — Қўшиқлар. 22.40 — Адабий эшиттириш (рус.). 23.10 — Эртаги кун эшиттиришлари. 23.20 — Мақом кечаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

23 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Инглиз тили** (мактабгача ёшдаги болалар учун), 18.25 — **Звёздочка** (болалар учун), 18.35 — **КПСС МК сентябрь Пленуми қарорлари амалда. Ишнинг нўзини билган ҳолда**, 18.55 — **Реклама ва эълонлар**, 19.00 — **Ака-ука Риколар** (телеспектакль).

20.40 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.45 — **Телевизион янгиликлар**, 21.00 —**Зулфия. Водийлар совғаси** (шоира туғилган куннинг 50 йиллигига), 21.30 — **Улар шарққа борадн** номли бадиий фильмнинг 1-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Саша ва Шура** (телеспектакль).

Ўзбек тилида: 19.30 — **Концерт** (болалар учун), 20.00 — **Тошкент янгиликлари**, 20.10 — **Қорақумнинг катта суви** (телефильм).

Рус тилида: 20.55 — **Таржимаи ҳолнинг бошланиши** (ҳужжатли фильм), 21.15 — **Тошкент янгиликлари**, 21.25 — **Дарё бўйидаги шаҳар** (телеочерк), 21.50 — **Порла, юлдузим** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/XI да **Севилья сартароши**, 24/XI да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/XI да **Хатарли йўл.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Грузин цирки артистларининг гастроли.**

2, 3-қурилиш трестининг
3-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА
ишт терувчилар, дурадгорлар, бетончилар, ёрдамчи ишчилар
КЕРАК
Келгиз кишилар ётоқ билан таъминланади.
Тошкент шаҳар, Братск кўчаси, 49-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

КИНО

Қоидасиз ўйин —«МИР», СОБИР РАҲИМОВ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЕШ ГВАРДИЯ», «МОСКВА», «ДУЖБА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12 ва 2 да).

Дайди (1 ва 2 серия) — НАВОИ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА», «СПУТНИК», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 12-40, 3-20, кеч 6 ва 8-40 минутда), «ДРУЖБА» (кеч 6-40, 7-10 ва 9-40 минутда).

Нюрнберг суди (1 ва 2-серия) — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8-45 минутда), «ЮЛДУЗ» (кундуз 5 ярим ва кеч 8-45 минутда).

Бу телба дунё — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 ва 9-15 минутда).

Сехрли халат — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
23, 27 ноябрда
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Моримото Каору асари
Ўғирланган умр
3 пардали драма.
А. Абдуллаев таржимаси.
Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти Т. Ҳўжаев, рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. Визель.
Спектакль кеч соат 7 да бошланади.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
вакант вазифаларда ишлаш учун
КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Ботаника, агрономия (генетика, селекция, дарвинизм) кафедраларининг мудирлари.
Конкурс муддати — 30/XI гача.
Ботаника, органик химия кафедраларининг доцентлари;
физик химия, чизма геометрия ва чизмачилик кафедраларининг старший ўқитувчилари.
Конкурс муддати — 11/XII гача.
Ариза ва ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Самарқанд шаҳар, М. Горький бульвари, 15-уй.

Проект кўчаси, 35-уйда турувчи **Рустам Исаевнинг** Карл Маркс кўчаси, 4-тупик, 13-уйда турувчи Галина Аминовна Мангутовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Бахт кўчаси, Бахт проезд, 16-а уйда турувчи **Алим Қорабоевич Рисқиевнинг** Москва область, Жуковский шаҳар, Чапаев кўчаси, 14-уй, 8-квартирада турувчи Лидия Дмитриевна Рисқиевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

СССР Геология министрлигининг Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти жамоатчилиги институтнинг илмий ходими Б. А. Аҳмедова отаси
Аҳмаджон
АЗИЗОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур қайғу изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221. Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 31226. Коммунистик тарбия — 31455. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ 274. ИНДЕКС 64543. Р. 01360.